

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР”
КАФЕДРАСИ**

ХАМРОҚУЛОВ АКОБИР САИДОВИЧ

ИЧКИ БОЗОРДА БАНКЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

**5341500 – “Молия инжиниринги” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Тошкент - 2012

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	*
I БОБ	Банкларнинг молия бозоридаги фаолиятининг назарий асослари.....	*
1.1.	Банкларнинг молия бозоридаги тутган ўрни ва вазифалари.....	*
1.2.	Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолияти унинг тавсифи.....	*
1.3	Модернизациялаш шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини ташкиллаштириш.....	*
II БОБ	Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолияти таҳлили.....	*
2.1.	Ўзбекистон молия бозорида банк тизимининг тутган ўрни ва роли.....	*
2.2.	Ўзбекистон молия бозорида банкларнинг ҳолати ва фаолияти таҳлили.....	*
2.3.	Банкларнинг молия бозорида бажарадиган операциялари ва уларнинг таҳлили	*
III БОБ	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари	*
3.1.	Иқтисодиётни модернизациялашда банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини ривожлантириш йўллари	*
3.2.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ва ундан кейинги даврда банкларнинг фаолиятини такомиллаштириш масалалари.....	*
	Хулоса ва таклифлар	*
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	*

Кириш

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов ўзларининг Вазирлар Маҳкамасида бўлган мажлисдаги маърузаларида¹ қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар. “...Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, “Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

¹ И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда².

Ўзбекистонда молия бозорининг ривожланишига банк тизими катта ҳисса қўшиб келмоқда. Банк соҳасини ривожланиши ундаги ўзгаришлар, молия бозори билан чамбарчас боғликлиги, унинг ривожланишида энг катта омил эканлиги шубҳасиз. Юқорида таъкидланган фикрлар магистрлик диссертацияси мавзусининг **долзарблигини** белгилаб беради.

БМИ мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади бўлиб иқтисодийни модернизациялаш шароитида, Ўзбекистон банкларининг молия бозоридаги фаолияти механизмини ўрганиш асосида молия бозорида банклар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ва таклифлар беришдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертациясида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Ўзбекистон банклар тизимининг фаолияти услубиётини очиб бериш;
- Ўзбекистон молия бозорида банкларнинг тутган ўрни ва улар томонидан бажариладиган операцияларнинг ўзига ҳос хусусиятларини ёритиб бериш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва ундан кейинги даврда Ўзбекистон банк тизимини молия бозорида барқарор ривожланишини назарий ва амалий жиҳатларини очиб бериш;
- банкларнинг молия бозоридаги инструментлар тузилмасини ёритиб бериш;
- банкларнинг операцион тузилмасини таҳлилий баён қилиш;
- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини таҳлили ҳамда модернизация жараёнида банкларнинг молия бозоридаги ролини очиб бериш;

² **2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш ва уларни жаҳон молия бозорига чиқиш масалаларини тезлаштириш;

- республикамиздаги тижорат банкларини молиявий ресурсларидан оптимал фойдаланиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

БМИ объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон молия бозори, унда Ўзбекистон тижорат банкларининг фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб эса банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда содир бўладиган молиявий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

БМИ тузилиши. БМИ кириш қисми, белгиланган мавзуни ўз ичига қамраб олган учта боб, мавзу юзасидан билдирилган хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ Банкларнинг молия бозоридаги фаолиятининг назарий асослари

1.1 Банкларнинг молия бозоридаги тутган ўрни ва вазифалари

Жаҳон аҳлини ташвишга солган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, унинг сабаби асоратлари ҳақида деярли ахборотлар тарқатилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида ушбу иқтисодий инқирознинг асосий мавзуга айланганига ҳам, қарийб бир ярим йил бўлди.

АҚШнинг ипотека тизимида рўй берган тангликдан бошланган иқтисодий таназзул кейинчилик йирик банклар ва молиявий тузилмаларни ўз домига тортиб кетди. Бу эса дунёнинг етакчи фонд бозорларида компаниялар акциялари баҳосининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Натижада ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиб, ишсизлик ва бошқа муаммолар юзага чиқди.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, молиявий инқироз дунё иқтисодиётига 9,4 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказган. Бу эса жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизини ташкил этади. Иқтисодий таназзул оқибатларини бартараф этишга қаратилган харажатлар АҚШда 3,5 триллион долларга етган. Бу мазкур мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25 фоизи деганидир. Шунингдек, Буюк Британия 1 триллион, Германия 893 миллиард, Япония 326 миллиард ҳамда Хитой 586 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармояни айнан шу мақсадлар учун йўналтирган.³

Шундай шароитда мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ўзгартиришга, янгилашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилаяпти ва бу жараён ўз самарасини бермоқда. 2009 йил ислохотлар чуқурлашувида, барқарор ривожланишимизда навбатдаги,

Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2009 — 2012 йилларга

³ Каримов И. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т. Ўзбекистон 2010 йил

мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўрилган тадбирлар, собитқадамлик билан амалга оширилган ишлар натижасида, мамлакатимиз ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳар томонлама барқарор сақлаб қолди.

Ўзбекистон Республикасини Президенти И.А. Каримовнинг маъруъасида энг аввало молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган тадбирларга батафсил тўхталиб ўтди.

Молия-банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ва эришилган натижалар. Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, умуман, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилаётир. Натижада Ўзбекистон Республикасини Президенти И.А. Каримовнинг тижорат банкларига бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда, давлатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланиб, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда молия муассасалари фаолияти тобора яхшиланиб бормоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Натижада:

- сўнгги икки йилда уларнинг умумий капитали 2 баробар кўпайди;
- банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Ва халқаро Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баравар кўпдир.

- банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобварақларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ.

Бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

- банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бу эса

республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасини Президенти И.А. Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарликларида “Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури”ни ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши инқироз таъсири ва кўламини камайтириб, иқтисодиётимизни ҳимоялашнинг ишончли ҳамда аниқ механизмларини юзага келтирди. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айти пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

Ўтган йили умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки “Фити Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Мамлакатимизда шундай барқарорлик ҳукм сураётган бир вақтда молиявий-иқтисодий инқироз авж олган давлатларда банкларнинг барқарор фаолиятининг бузилиши туфайли товар алмашуви кескин қисқарган. Давлатларнинг ташқи қарзлари кўпайган. Шу боис бугунги кунда дунё мамлакатлари молиявий инқирозни бартараф этиш борасида бир қатор дастурлар устида иш олиб бормокда. Улардан бири янги пул жорий қилишдир. Буни Халқаро валюта жамғармасига аъзо давлатларнинг 85 фоизи розилик билдирсагина амалга ошириш мумкин. Қолаверса, 2009 йилнинг апрель ойида Лондонда "Катта йигирмалик" давлатлари саммитида бу муаммо анжуманнинг асосий масаласи сифатида муҳокама қилинмади.

Халқаро ҳамжамиятнинг эътирофича, саммитда инқирознинг чекинишига сабаб бўлувчи бошқа келишувларга эришилди. Жумладан, мазкур йиғилишда жаҳон иқтисодиётининг яна ўз изига тушиб кетишига ва инқироздан чиқишига оид бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Унда илк бор бўҳрондан чиқиш учун қанча микдорда маблағ йўналтирилиши ҳам

маълум этилди. Саммитда иштирок этган етакчи давлатлар раҳбарлари Халқаро валюта жамғармасига 750 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилишди. Бу маблағлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига кредит тариқасида йўналтирилади.

Ўз навбатида, Ғарбий Европа, Хитой ва Япония мамлакатлари ушбу маблағдан 240 миллиардини ўз зиммасига олган. Умуман жамғарма инқироз оқибатларини бартараф этиш учун бир триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф этади. Шунингдек, Жаҳон банки ҳам бу мақсадлар учун 100 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармояга эга бўлди.

Шундай бўлсада, экспертлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш, кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида, шу билан бирга, дунё миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлиги ва уларнинг бири-бирига уйғунлигига боғлиқ, деб ҳисоблашмоқда.

1.2 Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолияти унинг тавсифи

«Молия бозори» атамаси жуда кенг тушунчадир. У ҳақиқатан ҳам кенг маъноли ва мураккаб иқтисодий тоифани ташкил қилади ҳамда муайян молия муассасалари орқали ўзаро таъсирда бўладиган мулк эгалари билан сармоя, қарз олувчилари ўртасидаги муносабатни тасвирлайди. Ҳозирги замон иқтисодиёти учун молия бозори ўзига хос "асаб маркази" ҳисобланади, унинг ривожланиш даражасига қараб мамлакат иқтисодиётининг "аҳволи" ҳақида фикр юритиш мумкин, чунки молия бозорига таъсир кўрсатиб, жамиятнинг иқтисодий фаоллигини бошқариш мумкин.

Инсоният тарихида улардан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган икки усули маълум: нақд пулларни сақлаш ("гилам тагига ташлаб қўйиш" ёки омонат банкларига қўйиш) ёки қимматли қоғозлар сотиб олиш.

Жамғармаларнинг кўпини жамиятнинг оила "ўчоқлари", иқтисодиётга инвестициялар қўйишни эса асосан хўжалик юритувчи субъектлар амалга оширади. Иқтисодиёт тараққиётида пул оқимларнинг биринчисидан иккинчиларига ўтишини тартибга солиб турадиган муассасалар, воситалар тўпламига эга муайян механизм ишлаб чиқилган. Молия бозори ана шундай механизм сифатида фаолият кўрсатади.

Қимматли қоғозлар бозори савдо капиталининг ривожланиш бўсағасида пайдо бўлган кўпчилик Ғарб мамлакатларида у хўжалик механизмнинг энг барқарор йўлга қўйилган қисмларидан бири ҳисобланади. У аллақачон биржа ва биржадан ташқари савдо тизимига сингиб кетган, унинг ўз ақвдалари ва анъаналари мавжуд, баъзи қовдалар ва анъаналар асрий тарихга эга.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиши давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва акциядорлик корхоналарига айлантириш жараёнлари билан боғлиқ.

Бу бозор бошқа барча бозорлардан энг аввало унда йланадиган тотар - қимматли қотозлар билан ажралиб туради. Ўз навбатида, уларнинг айланиш бу бозор иштирокчиларининг алоҳида таркиби, унинг фаолият кўрсатиш тартиби уни тартибга солиш қоидалари ва ҳаказони белгилайди.

Қимматли қоғозлар бозори-бозор иқтисодиётининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири. У молия бозорининг бир қисми бўлиш билан бирга жамғармаларни тўплайдиган ва кейинчалик иқтисодиётга инвестициялаш ҳамда унинг ишлаб чиқариш қувватини такомиллаштириш учун уларни молия активларига айлантирадиган канал вазифасини ўтайди. Қимматли қоғозлар бозори банк кредити тизимини тўлдиради ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. Тижорат банклари, одатда, кредитни 1 йилдан кўп муддатга бермайди, қимматли қоғозлар бозори эса ишлаб чиқарувчиларга анча кўп микдордаги пул маблағларини амалда исталган муддатга ҳамда банк кредитига нисбатан фокдалироқ шартларда жалб қилишга имкон беради.

Молия бозори иқтисодиётда марказий уринни эгаллайди чунки иқтисодиётнинг барча субъектлари молия бозори билан ўзвий боғлиқдир.

Иктисодиётни асосий тўртта субъектга бўлиб урганиш иктисодёт назариясида таъқитланган. Бу субъектлар секторларга куйидагилар киради:

- Уй хужалиги
- Фирмалар
- Давлат (мауссасалари)
- Бозор.

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни қабул қилиш, олинган маблағлардан ўз rischi остида кредитлаш ва инвестициялаш, шунингдек, молиявий тўловларни амалга ошириш бўйича фаолият юритадиган юридик шахсдир.

Ўзбекистонда банклар фаолияти, жумладан, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунлари билан тартибга солинади. Бизнинг давлатимизда, кўпгина ривожланган давлатлардаги каби, икки поғонали банк тизими мавжуд бўлиб, уни Марказий банк бошқариб туради (биринчи поғона).

- Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи шундан иборатки, улар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, ушбу бозор қатнашчиси сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларда, хусусан: акциялар, депозитлар ва омонат (жамғарма) сертификатлар ҳамда банк векселлари эмитентлари сифатида; бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олувчи сармоядорлар сифатида;

- ўз мижозларига маслахатлар берадиган, депозитар операцияларини бажарувчи, қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция муассасалари ва х.к. сифатида қатнашиши мумкин.

Мижозларнинг қимматли қоғозлари портфелини бошқариш бўйича банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар уларга катта даромад келтиради. Мижозларнинг хохиши бўйича уларнинг пуллари хавфли ёки

нисбатан ишончли қимматли қоғозларга қўйилма қилинади. Бунда банклар ўзаро қаттиқ рақобатни бошдан кечиришига тўғри келади, чунки мижозлар бир вақтнинг ўзида бир неча банкларга бундай операцияларни бажаришни топшириши, кейинчалик эса, маблағлари энг кўп самара берадиган битта банкни танлаб олишлари мумкин. Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш вақтида уларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқ ҳисобини юритиш мақсадида банклар ўз депозитарийларини яратади. Улар бевосита банкларда (одатда, ерости хоналарда, мижозларнинг бойликлари сақланадиган махсус сейфлар турадиган омборларда) жойлашган. Банк депозитарийлари қимматли қоғозларни нақд ва нақд бўлмаган шаклларда, компьютер тизимларида электрон шаклдаги ёзувлар воситасида сақлайди. Банклар, шунингдек, қимматли қоғозлар учун ҳисоб китоблар бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар вазифасини бажариши ҳам мумкин. Банклар томонидан инвестиция муассасаларининг таъсис этилиши алоҳида аҳамият касб этади, улар орқали қимматли қоғозлар бозорида бира тўла бир неча йўналишлар бўйича иш олиб борилади.

Тижорат банкларининг мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ортиб бораётан эътибори, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган тобора ўсиб боровчи эҳтиёжлари билан ўзвий боғлиқдир, чунки уларсиз ижтимоий ишлаб чиқаришни чуқур қайта қуриш, экспорт салоҳиятини ўстириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мумкин эмас.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувининг муҳим омили-уларнинг устав ва айланма фондларига ўз қимматли қоғозлари эмиссияси асосида қўшимча ресурсларни жалб этишда эҳтиёжнинг кучайиб бораётганидир.

Тижорат банкларининг мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи шундан иборатки, улар бошқа хужалик юритувчи субъектлардан фаркли равишда, ушбу бозорнинг малакали иштирокчиси

сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча хилдаги вазифаларни бажариши мумкин. Бу вазифалар куйидагилардан иборат:

- қимматли қоғозларнинг акциялар, депозит жамгарма сертификатлари, депозит сертификатлари ва банк векселларини муомалага чиқарувчи эмитентлар сифатида;

- ўз миждозларига қимматли қоғозлар бозорига доир маслахатлар, улар учун реестр юритувчи ва депозитар операцияларни бажарувчи сифатида:

- иктисодиётнинг бошқа хужалик юритувчи субъектлари ва давлатнинг қимматли қоғозларининг (давлат қиска муддатли облигациялари ва давлат урта муддатли облигациялари) сотиб олувчи сармоядорлар сифатида;

- ўз миждозларига қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция институти сифатида қатнашиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида тижорат банклари қимматли қоғозларбозорининг умумий инфратузилмасини таркибий қисмидир ва ушбу вазифада уларнинг роли нисбатда катта, чунки амалиётда қимматли қоғозларбозорининг ҳар бир иштирокчиси тижорат банкининг хизматисиз иш олиб бора олмайди. Чунки тижорат банки уларнинг ҳисоб-китоб раками ва бошқа ҳисобракамини очади, уларда пул маблағларини, шу жумладан қимматли қоғозларбилан боғлиқ операцияларини амалга ошириладиган маблағларни сақлайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан тижорат банклари ўзларини миждозлари томонидан вексель ёзилаётган вақтда ушбу вексель топшириқномасини (аваль) бериш йули билан вексель муомаласини назорат қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мамлакат банк тизимидаги депозит сертификатлари ва депозит-жамгарма (омонат) сертификатлари ҳамда тижорат банклари векселларини муомалага чиқариш, муомалада бўлишини назорат қилиш ҳамда муомаладан чиқариш учун жавобгарликни олиб борар экан, у мамлакат фонд бозорини малакали

иштирокчиси сифатида фонд бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Тижорат банкларининг молия ва қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш мақсадлари, Қайд этиб ўтилганидек, қимматли қоғозлар бозорининг барча қатнашчилари орасида банклар шу билан фарқланадики, улар бир вақтнинг ўзида фонд бозорининг Қонунчилик билан рухсат берилган деярли барча молиявий воситаларида: акция, облигация, депозит сертификатлари ва векселларда эмитентлар сифатида қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг миллий фонд бозорида иштирок этишининг бош мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- банк фаолияти асосий турларини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча буш турган пул маблағларини жалб этиш (ўз пассивларини шакллантириш);

- турли қимматли коғозларга ўз маблағларини инвестициялашдан тушадиган даромадни олиш (актив операциялар);

- фонд бозорида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш буйича ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлардан даромад олиш (депозитарий хизмати);

- фонд бозорида муваффақиятли фаолият олиб бориш асосида ўз нуфўзини ошириш ва янги мижозларни ўзларига жалб қилиш;

- эмитент муомалага чиқарган акциялар назорат пакетини сотиб олиш йули билан турли тижорат банклари ва бошқа акциядорлик жамиятлар фаолиятини олиб боришни бошқариш ва назорат этиш ҳукукини олиш;

- фонд бозорида мижозлар, рақобатчилар, бозор конъюктураси (қимматли коғозларга бўлган талаб ва таклиф ҳолати), нархлар котиловкаси тўғрисида тулиқ ҳаққоний ва тезкор маълумотлар олиш.

Банклар фаолиятида ўз шахсий облигацияларини муомалага чиқариш билан боғлиқ бўлган иш катта ўрин тутади. Ўзбекистонда, хусусан, банкларнинг аксарият кўпчилик қисми акциядорлик жамияти мақомига эга

бўлиб, бу хол устав фондларини шакллантириш учун авваламбор ушбу қимматли қоғозларнинг муомаласага чиқарилишини кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабига кўра, 2007-йил 1-январдан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар оширилди: Хорижий сармоя ва акциядорлик банклари учун – 5 млн. АҚШ долларигача, хусусий банклар учун эса – 2,5 млн АҚШ долларигача (сўм эквивалентида) етказилди.

Ҳар бир банк эмиссия сиёсати (қимматли қоғозларни чиқариш) тўғрисида ишлаб чиқилган ва Банк кенгаши томонидан тасдиқланган низомига эга бўлиши керак, унда мажбурий тартибда қўйидаги масалалар ақс эттирилган бўлиши лозим:

1) банк эмиссия фаолиятининг стратегияси ва мақсадлари (устав капиталини шакллантириш, ликвидликни қўллаб-қувватлаш, қарз маблағларини жалб этиш);

2) банк томонидан чиқарилиши режалаштирилаётган қимматли қоғозлар тури ва хиллари, эмиссия муддатлари;

3) қимматли қоғозлар ликвидлилиги ва айланишини қўллаб-қувватлаш;

4) қарз мажбуриятларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш.

Тижорат банкларининг ўз акцияларини чиқариш ва уларни очик бозорда жойлаштиришдан манфаатдорлиги бир қанча шарт-шароитлар билан изоҳланади. Энг аввало бу-банк пасивларини шакллантириш заруриятидир. Ўз капиталларини доимий равишда қадрсизлантириб турадиган инфляция, банкларнинг ўзоқ муддатли депозитларни жалб этиш имкониятидан маҳрум қилади. Шу сабабли нисбатан ўзоқ муддатли қўйилмаларни амалга ошириш учун банклар ўсиб бораётган миқдорларда ўз капиталидан фойдаланишига тўғри келади. Яна шуни қайд этиш керакки, тижорат банклари томонидан устав сармоясини кўпайтириш ва қўшимча акцияларни чиқариш, қайта тузилмавий ўзгаришлар қилиш-акциядорларнинг улушини ўзгартириш учун фойдаланилади. Нихоят, илгари қайд этилганидек, тижорат банки устав сармоясининг энг кичик миқдорига қўйиладиган талаблар, шунингдек,

тегишли тартибга солиб турувчи ташкилотлар (Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк) томонидан банклар учун белгиланган иқтисодий меъёрлар мавжуд бўлиб, уларга риоя этиш шартдир.

Қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини тайёрлаш. Қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти банк бошқаруви томонидан тайёрланиб, унинг раиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Эмиссия проспектида банк, унинг молиявий аҳволи ҳамда бўлғуси қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги маълумотлар (қимматли қоғозлар тўғрисида умумий маълумотлар, уларни тарқатиш шартлари ва тартиби, қимматли қоғозларни чиқариш ҳисоб-китоб шартларига оид маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ёки фоизларни олишга тегишли маълумотлар) акс эттирилади.

Қимматли қоғозлар ва эмиссия проспектини чиқаришни рўйхатдан ўтказиш операцияси эмитент-банк Қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органи бўлмиш Давлат Мулк Кумитаси қошидаги “Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази” орқали амалга оширади.

Эмиссия проспектини нашр этиш ва қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш Бунинг учун эмитент-банк, одатда, проспектни алохида рисола(брошюра) шаклида, кўпчилик харидорларни хабардор қилиш учун етарлича миқдорда нашр эттиради.

Қимматли қоғозларни сотиш. Эмитент-банк қимматли қоғозларни чиқаришни рўйхатдан ўтказиб, эмиссия проспекти ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги хабарни тарқатганидан кейингина уларни сотишни бошлаши мумкин. Эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилмагунига қадар ўз қимматли қоғозларини реклама қилиш ман этилади. Акцияларни жойлаштириш харидор билан тузилган муайян миқдордаги акцияларни олди-сотди шартномасига асосан сўмларга сотиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бунда банк воситачилар-брокерлик фирмалари билан махсус

воситачилик ва топшириқ шартномалари тузиб, уларнинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Сотилган акцияларнинг сони чиқарилиши мўлжалланган ва рўйхатга олиш хужжатларида кўрсатилган акциялар сонидан ошмаслиги шарт.

Қимматли қоғозларни чиқариш якунларини рўйхатдан ўтказиш. Бу жараён қимматли қоғозларни сотиш тугалланганидан кейин амалга оширилади. Банк сотув натижаларини таҳлил қилади ва қимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисида ҳисобот тузади, бу ҳисобот раҳбарият томонидан имзоланиб, банк муҳри билан мустаҳкамланади (тасдиқланади) ва рўйхатга олувчи органга тақдим этилади. Ушбу орган қимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиши лозим, агар бу органнинг эътирозлари бўлмаса, ҳисобот ва якунни рўйхатга қайд этади. Борди-ю, рўйхатдан ўтказувчи орган банкка ҳисоботни рўйхатга олишни рад этса, у эмитентга бу ҳақда хат орқали маълум қилиши лозим. Хатда рад этишнинг сабаблари (масалан, қимматли қоғозларни чиқариш жараёнида амалдаги Қонунчилик, банк қоидалари, йўриқномалари бузилгани, ҳисобот ўз вақтида тақдим этилмагани) аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Тижорат банклари Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорида асосий ролни ўйнамоқда. Ўзбекистон банк тизими универсал бўлганлиги туфайли уларга фонд бозорида профессионал иштирокчидан то эмитентгача бўлган хама функцияларни бажариш ҳуқуқи берилган.

Тошкент РФБ листингининг энг юқори – «А» тоифасига 6 та акциядорлик жамияти киритилган бўлиб, уларнинг хаммаси банклар: «Ўзсаноатқурилишбанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Агробанк», «Ипотекабанк», «Ипак йўли» банки, «Ҳамкорбанк».

Тошкент РФБнинг расмий биржа бюллетени тўғрисидаги Низомга мувофиқ, эмитентни расмий биржа листингига киритиш учун қуйидагилар зарур:

- қимматли қоғозлар наشري қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши;

- таъсис ҳужжатларида ва нашр тўғрисидаги қарорда акцияларнинг эркин муомала қилиши учун чекловлар бўлмаслиги;

- эмитент қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ошкор қилиши;

- эмитент устав фондининг миқдори камида 500 млн. сўм бўлиши;

- акциядорлар 50 тадан ортиқ бўлиши;

- эмитентнинг фаолияти камида охириги 2 йил мобайнида зарарсиз бўлиши керак.

Расмий биржа листингининг «А» тоифаси эмитентлари қўшимча равишда қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши зарур – биржа савдоларида эмитентнинг акциялари бўйича битимлар ҳажми камида:

1) акциядорлик-тижорат банклари учун битта календар чорақда 5 млн. сўмни;

2) қолган эмитентлар учун битта календар чорақда 1 млн. сўмни ташкил этиши шарт.

Энди эса «А» тоифасига кирган тижорат банкларининг 2010 йил 1 январ ҳолатига молиявий аҳволини кўриб ўтсак.

1.1-Жадвал

Листингга кирган банкларнинг активлари (млрд. сум)

№	Банклар	Активлар	Берилган кредитлар	Кредитларнинг активлардаги улуши (фоиз)
1	"Qishloq Qurulish Bank"	86,0	60,9	70,9
2	"Agro Bank"	501,9	327,4	65,2
3	"Hamkorbank"	78,3	49,8	63,6
4	"O'zsanoatqurilishbank"	677,2	387,9	57,3
5	"Ipak yo'li" banki	100,1	42,4	42,4
6	"Ipotekabank"	423,6	160,7	37,9
	Жами	1 867,0	1 029,1	-

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида барча мулкчилик шаклидаги, 3 та давлат мулкчилигидаги банклар, 10 та акциядорлик тижорат мулкчилигидаги банклар, 5 та хорижий сармоя иштирокидаги банклар ва 10 та хусусий банклар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида тижорат банклари бошқа хужалик юритувчи субъектлар уртасида қимматли қўғозларбозорида фаолият кўрсатиш учун энг қулай шарт-шароитларини имкониятига эга бўлди ва ҳозир ҳам ана шундай шарт-шароитлар имкониятига эгадир. Ушбу шарт-шароитлар қуйидалардан иборат:

-биринчидан, анъана бўйича тижорат банкларида фонд бозори моҳияти тўғрисида тула тасаввурга эга бўлган юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатади;

-иккинчидан, тижорат банклари тўғрисидаги амал қилаётган қонунчиликнинг ўзи тижорат банки фаолиятини акциядорлик жамияти, яъни муомалага турли қимматли қўғозларни ва энг аввало акцияларни чиқариб турувчи эмитент сифатида тартибга солиб туради. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда биринчи йирик эмитентлар бўлиб акциядорлик жамиятлари айнан шу тижорат банклари ҳисобланади;

-учинчидан одатдаги корхона ва ташкилотлар билан таққослаб қурилганда, тижорат банклари катта миқдорда ўз маблағлари ва жалб этилган ресурсларни туплаганлар, улар ўз навбатида мамлакатимиз фонд бозорида йирик сармоядор (инвестор) сифатида қатнашиш учун керакли даражада шарт-шароитлар яратади;

-туртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги тижорат банкларининг қимматли қўғозларбозоридаги олиб борадиган фаолиятини бирон бир тарзда (масалан АКШ даги Глас-Стигал қонунига асосан) чекланмаган ва айни вақтда тижорат банклари ўз миқдорларининг молиявий-хужалик фаолияти тўғрисида энг керакли маълумотларга эга

бўлган, бу эса уларга бундай маълумотларни олишга ҳукуки чекланган одатдаги сармоядорлар олдида катта имтиёзлар беради.

2008 йил март ойи бошларида Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан «Капиталбанк» АТБ субординацияланган облигацияларининг биринчи наشري рўйхатга олинди.

Нашр облигацияларининг серияси ва шакли: эгасининг номи ёзилган, нақд пулсиз шаклдаги фоизли субординацияланган облигацияларининг сони – 2 500 дона.

Нашр бита облигациясининг номинал қиймати 1 000 000 сўм. Нашрнинг умумий ҳажми (номинал қиймат бўйича) 2 500 000 000 сўмни ташкил этади. Облигацияларнинг муомала муддати – жойлаштириш бошланган санадан эътиборан 3 640 кун, жойлаштириш муддати – Ушбу эмиссия проспекти давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, кўпи билан 90 кун.

Облигациялар бўйича фоиз: Қайта молиялаштириш ставкаси+2%. Фоиз тўловлари ҳар чоракда бир марта оралиқ тўловлар сифатида амалга оширилади.

Облигациялар Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлмиш юридик шахслар ўртасида жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ тижорат банклари фонд бозорида қимматли қоғозлар билан актив ва пассив операцияларни амалга ошириши ҳамда профессионал иштирокчи сифатида фаолият юритиши мумкин. Бўларга куйидаги фаолиятлар киради;

- қимматли қоғозларни эмиссия қилиш;
- брокерлик хизмати;
- дилерлик операциялари;
- депозитарий хизматлари;
- қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-клиринг хизмати;
- қимматли қоғозларнинг номинал сакловчиси;

- траст операцияларини бажариш;
- маслахат ва бошка хизматларни бажариш.

Қимматли қоғозлар бозоридаги сиёсатнинг юрғазилишига боглик холда тижорат банклари у ёки бу муомалаларни танлаб, ўзларининг фаолият йуналишларини белгилаб оладилар. Банклар фонд бозори конъюктурасининг ўзгаришига караб, ўзларининг фаолият сиёсатини танлайдилар ва унинг доирасида, юкорида санаб утилган фаолият турларини комбинациялаш асосида самарали иш олиб борадилар.

Юкорида айтилганлардан келиб чиқкан холда биз қимматли қоғозларбозорида тижорат банкларининг фаолиятини давлат ва ўз-ўзини мувофиқлаштиривчи ташкилотлар, ҳамда банкларнинг бошқарув органлари томонидан самарали тартибга солишни янада такомиллаштириш масалаларини долзарб масалалардан бири деб хисоблаймиз.

1.3 Модернизациялаш шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини ташкиллаштириш

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфўзи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Илом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб

берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф

этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг ўзоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ўзоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида мазкур махсус курснинг жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат

таксимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бирок, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Бўларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»⁴.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

- нораціонал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;

- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

- молиявий рағбатлантириш услуги сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;

- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни тامينлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банклар ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишини эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча жамғармачилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди (1.2-жадвал). Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди.

1.2-Жадвал

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. Доллар	Мамлакат ЯИМга нисб. % ҳисобида (2008 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Инқироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларида кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетида ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми

ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва хар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган. АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

Инқирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари

Мамлакат	Кредит маблағлари га давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталлари га қўйилмалар		Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди		Бошқалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	Млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилган. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилиб, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоғи қарийиб 10% ни ташкил қилмоқда.

2008 йилда республика Марказий банки томонидан амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Айни пайтда иқтисодиётда инфляциян кутилмаларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмасдан йиллик ҳисобда 14 фоиз даражасида ушлаб турилди. Ушбу чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди ва шу йўл билан инфляциянинг белгиланган кўрсаткичлар доирасида бўлишига эришилди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди. “Айни пайтда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.”⁵

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 49.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан фуқаролар-нинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимида нуфўзли халқаро рейтинг компанияларидан бири - «Мудис» рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг баҳоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Хусусан, «Мудис» агентлиги бир йўла 3 та йўналиш бўйича республика банк тизимида «барқарор» рейтинг баҳосини берди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида таъкидланишича, агентликнинг ижобий баҳоси мустаҳкам банк назорати тизимида, банк секторининг юқори ўсиш потенциалида, молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс»,

«Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфўзли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

2008 йилда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банклар

«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк Ипотека-банк Қишлоққурилишбанк Алоқабанк Туронбанк Кредит стандарт банк	Ўзсаноатқурилишбанк Агробанк Асакабанк Ҳамкорбанк Ипак йўли банк	ТИФ Миллий банк Капиталбанк

Шунингдек, халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан Марказий банк ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ, 2010 йил давомида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги томонидан 21 та тижорат банкка турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди. 2010 йилда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

II Боб. Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолияти таҳлили

2.1. Ўзбекистон молия бозорида банк тизимининг тутган ўрни ва роли

Ўзбекистонда молия бозори модели аралаш (гибрид, қўшма) моделга мансуб бўлиб, ўзида англо-саксон, континентал (Германча) ва Япон моделлари элементларини маълум даражада мужассамлаштирган. Унинг хусусияти шундаки, унда ҳозирча на банкларнинг, на молия институтларининг, инвестиция институтлари, суғурта ташкилотлари, фондлар, на институционал инвесторларнинг, на майда чакана инвесторларнинг алоҳида устунлиги кузатилмайди. Алоҳида сегментларга пул, валюталар, корпоратив ва давлат қимматли қоғозлари, суғурта инструментлари, кредит ва банкларнинг бошқа инструментлари бозорларига эга бўлиб, улар ҳозирда бир-бири билан тўлиқ боғлиқ эмас ва ҳар бири турли ваколатли давлат органлар томонидан алоҳида тартиблаштирилади.

Ҳозирда ҳар қандай ўтиш иқтисодиётига мансуб мамлакатлар сингари Ўзбекистон учун асосий муаммолар – ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, инвестицияларни жалаб қилиш ва индустриал ўсишни таъминлашдир. Бу муаммоларни ечишда миллий молия бозори бирмунча қийинчиликларга муаммоларга дуч келмоқда. Компаниялар ва банкларда эмиссион, фоизли даромадлар ва инвестицион сиёсатларида номутаносибликларни кузатиш мумкин. Банклар, компаниялар ва суғурта

ташкilotларининг мойвий ҳолати қоникарли ва барқарор эмас, рисклилик ва волатиллик даражаси юқори.

Қимматли қоғозлар бозорида (ҚҚБ) ҳозирча муддатли инструментлар деривативлар, муниципал, ипотека ва бошқа турдаги тижорат қоғозлари жумладан; векселлар сегментлари тўлиқ шаклланмаган. IPO механизми йўқ. Давлат қимматли қоғозлари муомаласи Республика Валюта биржасида амалга оширилади. Пул, валюта ва банклараро кредитлар бозорлари банклар секторида фаолият кўрсатади. Қимматли қоғозлар бозори ҳажмининг ЯИМга нисбати капитализация суръати кичик бўлиб, унинг даражаси ялпи ички инвестициялар (ЯИИ) ҳажмидан анча кам⁶. Реал секторнинг пул ресурсларига бўлган талаби асосий капиталга қилинган ички ва бевосита яъни тўғридан-тўғри жал қилинган инвестициялар ҳисобига қондирилмоқда. Бунда кичик бизнеснинг ЯИМ ичдаги салмоғи ошиб бормоқда. Акциялар бўйича дивидендлар фоизи ва облигациялар бўйича фоиз ставкаси йилдан йилга пасайиш тенденциясига эга. Акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларининг нисбати тахминан бир-бирига яқин. Акциялар ва облигацияларнинг иккиламчи бозорлари спекулятив характерга эга эмас. Спекулятив портфел инвесторлар шаклланмаган бўлиб, асосан стратегик портфел инвесторлар мавжуд.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон банк тизими қуйидаги босқичларни бошидан кечирган.

Биринчи босқич, 1991-1993 йиллар: икки поғонали банк тизими шакллантирилди.

Иккинчи босқич, 1994-1997 йиллар: тармоқ банклари тузилди.

Учинчи босқич, 1998-2000 йиллар: хусусий банклар тузилди ва корпоратив бошқарув механизми шакллантирилди.

Тўртинчи босқич, 2001 ва ҳозирги даврда (2009 йил): банк тизимидаги ислохотлар чуқурлаштирилди.

⁶ Шоҳаъзамий Ш.Ш. Рынок ценных бумаг Узбекистана: состояние и факторы развития.//Журнал «Рынок, деньги и кредит», №3(118), 2007.-сс.41-43.

Мамлакат кредит тизимининг марказий буғини эмиссион банк бўлиб, давлат унга монопол равишда муомалага пул чиқариш ҳукукини берган. Эмиссия банки бошқа банкларни кредитлаш билан шуғулланади ва шу маънода у банклар банкидир. Ўзбекистонда бу вазифаларни Марказий банк бажаради. Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туърисиди"ги Қонунга биноан олиб боради. Қонунга кура, Марказий банк давлатнинг бош банкидир. У давлатни бошқариш ижрочи органларидан мустақил бўлиб, юридик шахс ҳисобланади ва давлатнинг мутлоқ мулкидир. Марказий банк раисини мамлакат Президентининг такдимига кура Олий Мажлис тайинлайди ва озод этади. Олий мажлис банкнинг йиллик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосасини ҳам куриб чиқади ва тасдиқлайди. Марказий банк ўз сарф-харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан амалга оширади ва иктисодий жихатдан мустақил муассасадир. Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас. Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини тахминлаш ҳисобланади. Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

-монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантиради, қабул қилади ва амалга оширади;

-банклар фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

-миллий ҳисоб-китоб тизимини ташкил этади ва тахминлайди;

-расмий олтин-валюта резервларини сақлайди ва тасарруф этади.

-давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этади.


Марказий банк тижорат банкларига жалб этилган ресурслар буйича мажбурий резервларнинг энг кам миқдорини белгилаш (тижорат банклари томонидан жалб этилган ресурсларнинг бир қисми мажбурий тарзда Марказий банкда сақланиши), қайта молиялаш ставкаларини (тижорат

банкларини кувватлаш учун Марказий банк берадиган киска муддатли кредитлар буйича фоиз даражалари) урнатиш, иктисодий нормативларни белгилаш, қимматбаҳо коъозлар билан операциялар утказиш оркали иктисодиётни пул-кредит дастаклари воситасида тартибга солади. Тижорат банкларини очиш, руйхатга олиш, фаолиятини лицензиялашда ҳам Марказий банк муҳим урин эгаллайди.

Марказий банк учун тақикланган фаолият турлари:

- молиявий ёрдам кўрсатиш билан шугулланиш;
- тижорат фаолияти билан шугулланиш;

-Марказий банк фаолият юритишини тахминловчи корхона ва ташкилотларни тузишда иштирок этишни истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахслар капиталида қатнашишга ҳақли эмас. Марказий банк ва унинг муассасалари соликлар, туловлар, йигимлар ва бошқалардан озод қилинади.



2.1-расм Ўзбекистон Республикаси ҳозирги замон банк тизими⁷

Тижорат банкларининг асосий функциялари ва операциялари. Банкларнинг муҳим функцияларидан бири бу - кредитлаш жараёнидан воситачилик қилишдан иборатдир. Унинг мазмуни шундан иборатки, корхоналарнинг фондларини такрор ишлаб чиқариш жараёнида ва аҳоли даромадларининг буш турган маблағларини қайта тақсимлаш билан ифодаланади.

Банкларнинг иккинчи вазифаси - ҳужалиқда жамғарилишни рағбатлантиришдир.

⁷ Матн асосида муаллиф томонидан тузилди.

Учинчи функцияси бу - мустақил хужалик юритувчи субъектлар уртасида туловларни амалга оширишдаги воситачиликдир.

Банклар ўз фаолиятлари давомида куйидаги операцияларни амалга оширадилар:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вақил банкларнинг счётларини очиш ва юритиш, счётлар буйича хисоб-китоб қилиш ;

- омонатларни жалб этиш;

- кредитларни қайтарилиши, фоизлилиги, муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар хисобидан кредит бериш.

Бундан ташқари, тижорат банклари бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунки:

- маблағ эгасини топшириги билан (тузилган шартнома асосида) унинг пул маблағларини бошқариш;

- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

- пул маблағлари, векселлар, тулов ва хисоб-китоб хужжатларини инкассация қилиш;

- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

- учинчи шахслардан мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш ҳукукини олиш;

- қимматбаҳо коёзлар чиқариш, харид қилиш , сотиш, хисобини юритиш, уларни сақлаш , шартнома асосида уларни бошқариш ва бошқалар;


- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

- молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофиқ лицензияда кўрсатилган бошқа операциялар.



**2.2-расм. Актив операцияларининг даромадларга қараб
таснифланиши**



**Расм Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан пассив
операциялари**

Маълумот олиш учун қўйидаги манбалардан фойдаланилади:

- Компаниянинг йиллик ва чораклик ҳисоботлари;
- Компания ўғрисидаги босмодан чиқарилган маълумотлари;
- Акционерларнинг йиғилишида омма учун тақдим қилинган маълумотлар;
- Ихтисослашган ташкилотларнинг ва боғшқа фонд бозори иштирокчиларини томонидан олиб Ёрилган тадқиқотлар натижалари.

Ўрта ва ўзоқ муддатли операцияларни таҳлил қилишда фундаментал таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, нархларнинг жорий динамикасини таҳлил қилишда бу усулнинг самараси кам.

Техник таҳлил нархлар динамикасини уч хил бозор омили таъсирларини аниқлаш орқали урганиб чиқади, улар қимматли қоғозларнинг нархи, хажми ва уларга бўлган талаб. Бу омиллар орасида энг асосий урганиладигани бу қимматли қоғозларнинг нархи бўлиб қолганлари нархларнинг ўзгариши тўғрилигини баҳолашда фойдаланилади. Жуда қисқа операцияларни олиб боришда техник таҳлилдан фойдаланилади. Бозордаги хоҳлаган иштирокчилар учун техник таҳлил қилиш учун ахборот манбалари мавжуд, лекин фундаментал таҳлил қилиш учу насосан банкларгина маълумотларга эга бўладилар, чунки уларда мижозлари тўғрисидаги маълумотлар базаси катта бўлади.

Депозитли муассасаларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, улар чек ёки жамгарма ҳисобваракаларини очиш йули билан маблағларни жалб қилади ҳамда улардан турли хил қарзлар бериш: ҳукумат ва корпорацияларнинг кредитли гарови ва қимматли қоғозларни олишда фойдаланади. Депозит молия муассасалари иккита катта тоифага бўлинади: тижорат банклари ва банк бўлмаган депозит муассасалар

Тижорат банклар депозит туридаги бир қадар кучли ташкилотлар ҳисобланади. Уларнинг пасивлари асосан жорий омонатлар ва жамгарма ҳисобваракаларидан ташкил топди. Активлар одатда турли хил молия активлари уртасида (қимматли қоғозларнинг турли қуринишлари уртасида) барабар тақсимланади.

Юқорида таъкидлаб утилганидек, тижорат банклари омонатчиларнинг молия маблағларини жалб этади ҳамда уларни қарз бериш, кредитлар ва ўз номларидан қимматли қоғозларни сотиб олишда фойдаланади. Омонатчилар - алоҳида шахслар ёки корхоналар, фирмалар ёхуд ташкилотлар бўлиб, маблағларнинг эгаси ҳисобланади, улар ўз маблағларини банкларга чек ва жамгарма ҳисобваракалари, муддатли омонатлар ва бошқа хил молия воситалари шаклида «топшириш»ни расмийлаштирган ҳолда вақтинча фойдаланиш учун тақдим этадилар. Банк нуқтаи назаридан қараганда, мана шу ҳисоб варакалари ва омонатларнинг барчаси қарз мажбуриятлари

хисобланади, чунки улар буйича банк ўз омонатчиларидан «карздор» саналади. Шунинг учун ҳам у банк балансининг пассив кисмига тегишли, бу ерда фаолиятнинг турли йуналишлари буйича банкнинг ҳамма карзлари руйхати берилади,

Шулар билан бир каторда банк ўзига карашли акциядорлик маблағини ҳам кушиб, жалб қилинган маблағларни турли активлар ёки фаолият юритувчилар уртасида жойлаштиради, шунинг учун ҳам улар банк балансининг актив кисмида акс эттирилган.

2.1-Жадвал

Банк балансининг тузилиши⁸

Активлар	Пассивлар
1.Пул маблағлари	1.Банк фондлари ва фойдаланилмаган фойда
а) кассада	а) устав фонди
б) вақиллик хисобварагида	б) захира фонди
в) мажбурий захира фонди	в) бошка фондлар
2.Валюта ва қимматли қоғозлар	г) фойдаланилмаган фойда
а) валюта	2.Жалб қилинган маблағлар
б) векселлар	а) хисоб -китоб вараги ва жорий хисобваракидаги маблағларнинг колдиклари
в) ҳукуматнинг қимматли коғозлари	б) капитал куйилмалар хисобваракидаги маблағларнинг колдиклари
г) бошка турдаги қимматли қоғозлар	в) бюджет маблағларнинг колдиклари
3. Банк ссудалари	г) омонатлар
а) киска муддатли	д) депозитлар
б) ўзок муддатли	е) бошка пассивлар
в) кредитлар буйича муддати утиб кетган карзлар	3. Харид маблағлари
г) кредитлар буйича муддати утиб кетган фоизлар	а) марказлаштирилган кредит ресурслари
д) бошка банкларга берилган кредитлар	б) кредит ресурслари аукционлари оркали эриштирилган маблағлар
е) филиалларга берилган кредит ресурслари	в) икки томонлама шартнома асосида эриштирилган маблағлар
4. Корхонанинг устав капиталига куйилмалар	
5.Асосий воситалар	
6. Бошка активлар	

⁸ Тижорат банклари баланслари асосида тузилди.

Такдим этилган баланс банклар активлари ва пасивлари таркиби ҳамда тузилишини тасвирлашнинг умумий кабул қилинган андозаси ҳисобланади. Баланс уларнинг маълум муддат ичидаги ҳолатини қайд этади, яъни баланс - иктисодий субъект молиявий аҳолининг бир лахзалик тавсифидир. Масалан, айтилиб 1995 йил 1 январга тайёрланган балансдан банкнинг 1994 йилда омонатчиларнинг жалб қилинган маблағларини нақд муваффақият билан жойлаштирилганини ёки бу маблағлар қуйилган қимматли коғозларнинг энг мақбул таркибий тузилиши қўл жихатдан унинг кейинги йиллардаги ҳаётга қўлқўлиги ҳамда ликвидлигини белгилаб қўйганини қўриш мумкин.

Мамлакатимизда иктисодиётнинг бозор моделига ўтиш муносабати билан янги банкларни шакллантириш масаласи кескин даражада қўндаланг бўлиб туради. Бугунги кунда республика ҳудудида мулкчиликнинг турли шаклдаги 30 дан зиёд тижорат банки фаолият қўрсатмоқда. Шулардан қўқат ўқтаси давлат мулки ҳисобланади: Ташки иктисодий фаолият миллий банки (республикадаги энг йирик тижорат банки), Халқ банки (қитобхонларимизга у Жамғарма банки сифатида яхши таниш) ва яқинда ташқил этилган, республикада эндигина пайдо бўлган автомобилсозлик саноатига хизмат қилган «Асака банки». Ҳозирча иккита қўшма банк мавжуд: «ЎТ-банк» ва «Хўсўсийлаштиришбанк». Аммо Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан савдо-иктисодий муносабатлари раванқ топлани сари бундай банклар сони ҳам ортиб боради. Хўсўсий банкларнинг пайдо бўлиши мамлакатимизнинг яқин ўтмиши ўқун ўмуман янгилик саналади.

Банклар активларининг асосий қисми муддатсиз омонатлар бўлгани, яъни омонатчи исталган пайтда талаб қилиб олиши мумкин ҳисоблангани ўқун ҳам, қўнун, банклар активларининг маълум бир қисмини ишонқли юқори ликвидлик шаклида сақлаб туришини қўзда тутати. Шўнинг ўқун ҳам пулларни ўзқ муддатга беришга, айниқса белгиланган фўизли ставка бўйича (бу пулнинг қадрсизланиши давом этаётган шарўитда банк ўқун оғир юқ бўлиб тушади) қредитлашга эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлиш уларга хўс хўсўсиятдир. Масалан, Ўзбекистон тижорат банклари тақдим этган

кредитларнинг умумий ҳажмида киска муддатли кредитлар улуши 80-85 фоизни ташкил этади, фақат қолган кичик қисмигина ўзоқ муддатли кредитлар улушига тўғри келади.

Тижорат банки ўзининг инвестиция фаолиятини шакллантираётганда қайси мезонларга таянади?

Аввало банкка татбиқан олганда кредитлаш инвестициялашдан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаб олайлик. Инвестициялар ссудалардан бир неча жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, ссуда маблағлари нисбатан киска муддат мобайнида фойдаланилишини ҳамда олинган қарз ёки унинг эквивалентини қайтариш шартлари бажарилишини кўзда тутаяди. Инвестициялаш эса пулларни маблағлар оқиб қилишини таъминлаш мақсадида ўзоқ муддатни кўзлаган ҳолда сарфлаш маъносини англатади. Иккинчидан, кредитлашда ҳаракат ташаббусқори қарз олувчи (корхона ёки ташкилот) бўлади, инвестициялашда эса бозордаги активларни сотиб олишга интиланган банк ташаббус билан чиқади. Учинчидан, банк кредитлаши банкнинг қарз олувчи билан шахсий алоқалари асосига қурилади, инвестициялашда эса «номсиз» фаолият мужассамдир.

Банк инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун бу ишдан кўзда тутилган мақсадларни аниқлаб олиши зарур. Тижорат банклари учун бу вазифа одатда маблағларни сақлаш, диверсификациялаш, даромад ва ликвидликни таъминлашдан иборат. Амалий жиҳатдан олганда, тижорат банкининг барча депозитларини бир хил (локал ҳатто макбўл) ссудаларга жойлаштириш мумкин эмас. Бундай ҳолат инвестициялашнинг асосий қонунлари - диверсификациялашга зид қилгани учун ҳам мумкин эмас ва ношудлик ҳисобланади. Диверсификациялаш деганда мажмуада турли-туман қурулишдаги қимматли қўғозларборлиги тушунилади. Диверсификациялаш (табақалаштириш) сиёсатида қайтариш муддатлари, жугрофий тақсимланиши, мажбуриятлар тури ва эмитент ҳисобга олиниши лозим, Диверсификациялаш йули билан таваккалчилик ҳавф-хатаридан бутунлай қочиб қутулиб бўлмайди, аммо уни бир мунча пасайитириш мумкин.

Инвестиция сиёсатининг асосий устиворликлари ва йуналишлари ҳақидаги ҳужжатлар бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланса-да, банкларнинг ҳаммаси ҳам унга эга эмас, Гап шундаки, таваккалчилик хавф-хатари фақат инвестиция фаолияти билангина чекланиб қолмайди, қимматли коғозларда фаол операциялар ўтказиш билан боғлиқ таваккалчиликни бошқа соҳаларда эҳтиёткорона сиёсат ўтказиш билан мувозанат ҳолига келтирса бўлади.

2.2 Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолияти таҳлили

1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун нафақат банк тизими-нинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади, балки Марказий банкнинг алоҳида мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда вако-

латларини аниқ белгилаб берди. 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни банк тизимидаги иккинчи босқич институтлари – тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий

жиҳатларини белгилаб берди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан банк фаолияти учун бир қатор имтиёз ва

рағбатлантиришлар берилди ва шу асосда юртимизда жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган хусусий банклар очила бошлади.


2011 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистонда 31 та тижорат банки фаолият кўрсатмоқда, улардан 3 таси – давлат, 13 таси –тижорат-акциядорлик банки, 10 таси – хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар бўлиб, улар 9,3 мингта фили-

алга, мини банк ва чакана офисларига эга.

Мамлакатимиз тижорат банклари ялпи капиталининг бар-қарор ўсиши ва банк активлари портфелини бошқариш соҳасида юритилаётган мутаносиб сиёсат натижасида, банк тизимида банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан уч баробар кўп бўлган капиталнинг

етарлилик даражаси кўрсаткичини таъминлади. Юртимизда 1995 – 2010 йиллар давомида ялпи капиталнинг реал ўсиши 12,5 баробарни ташкил этди, бу эса банкларнинг капитал базаси мустаҳкамланганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида,


уларнинг тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.



9-расм. Банк тизимининг асосий кўрсаткичлари

Банк тизимида 1995 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда депозитлар базаси солиштирма кўрсаткичларда 13 баробар ошди.

Тижорат банклари ялпи депозитларининг юқори даражада ўсиши аҳоли омонатларини жалб қилишнинг юқори суръатлари билан изоҳланади, бу шубҳасиз, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи янада ортиб бораётганидан далолатдир. 2010 йилнинг охирида аҳолининг мамлакатимиз тижорат банкларига қўйган омонатлари ҳажми 4447 миллиард сўмни ташкил этди ва бу солиштира нархларда 1995 йил кўрсаткичларидан 52 баробар кўпдир. Жисмоний шахслар томонидан банк муассасаларида очилган банк ҳисоб рақамлари сони 1995 – 2010 йилларда 16 баробар кўпайди ва 2010 йил якунларига кўра, катта ёшдаги ҳар 1000 кишига 1012 тани ташкил этди, бу халқаро амалиётда юқори кўрсаткич ҳисобланади.




10-расм. Тижорат банклари кредитлар портфелининг ўсиши

2000 йилда банклар кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шаклланган бўлса, 2010 йилда кредит портфелининг 85,1 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди. Шу билан бирга, банклар кредит

портфелининг 75,2 фоизи-ни уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг асосий параметрлари халқаро рейтинг компанияларининг талаб ва мезонларига мос келади. Бу эса, 2010 йилда умумий актив-

лари банк тизими жами активларининг 90 фоизидан зиёдини ташкил этадиган 15 та тижорат банки учун «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг



11-расм. Тижорат банкларининг уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлари улуши (банклар ялпи кредит портфелига нисбатан фоизда)


агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тўловларни амалга ошириш тизими яратилди. Агар 1990 йилда тўловларни амалга ошириш учун бир кун, баъзан ҳатто ҳафтalar кетган бўлса, 1997 йилдан бошлаб бир неча дақиқаларда барча ҳисоб-китобларни тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга ошириш имконини берадиган янги тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон тўлов тизими дунёдаги энг замонавий тизимлардан бири бўлиб, у барча тўловларни реал вақт режимида амалга оширади.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланишида тўловларни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш тизимининг яратилгани муҳим ўрин тутмоқда.


Сўмдаги пластик карточкалар дастлаб 1996 йилда пайдо бўлди ва банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича қўшимча даромад олиш

имкониятига эга бўлган банк миждозлари учун қулайлиги сабаб-



12-рasm. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони ва улардан фойдаланиш орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми динамикаси

ли кенг қўллана бошланди. Ҳозирги вақтда муомаладаги банк пластик карточкалари сони қарийб 8 миллион донани ташкил этмоқда. Бугунги кунда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган, пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган терминаллар сони 86 мингтага етди. Айни пайтда тиждорат банклари томонидан банк хизматлари кўлами мунтазам кенгайтириб борилмоқда ва миждозлар учун қулай янги хизмат шакллари жорий этилмоқда. Улар банк ҳисоб рақамлари эгаларига реал вақт тартибида ўз ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотларни мобиль ва электрон алоқа воситалари орқали олиш имконини бермоқда. Банклар томонидан аҳоли пунктларида мингдан ортиқ инфокиоскалар ўрнатилган,



13-расм. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга берилган кредит ва микрокредитлар ҳажми динамикаси

улар орқали мижозлар тўловлар, жумладан, коммунал хизмат тўловларини мустақил тарзда амалга оширишлари мумкин. Бундан ташқари, банк мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида «Банк – мижоз» дастури жорий қилинган. Ушбу дастур ҳар куни банкда катта ҳажмдаги ҳисоб-китобларни амалга оширадиган 5 мингдан зиёд йирик корхоналарга банкдаги ўз ҳисоб рақамларини иш жойидан туриб бошқариш ва улар ҳақида зарур маълумотлар олиш имконини бермоқда.

Банк тизимининг мустақиллик йилларида фаол ривожланиши натижасида тижорат банкларининг мижозлари сони 18,5 баробар кўпайди ва 18,8 миллионни ташкил этди. Жумладан, жисмоний шахс мақомидаги мижозлар 19,2 баробар кўпайиб, 17,5 миллион кишига етди.



14-расм. Банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кейинги вақтда мамлакатимизда банк кредит муассасалари билан бир каторда, банкдан ташқари кредит муассасалари (кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари) тизими ҳам ривожланмоқда. Банкдан ташқари кредит ташкилотлари тизимининг шаклланиши, Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши билан бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жами активлари ҳажми 351 миллиард сўмни ташкил этадиган 209 та банкдан ташқари, кредит институти ҳам фаолият кўрсатмоқда.



Ҳозирги пайтда Ўзбекистон банк тизимида 31 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 3 таси давлат-тижорат банки, 13 таси акциядорлик-тижорат банки, 10 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Ушбу банкларнинг республика ҳудудларида 810 та филиали самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сонли қарорига асосан қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини ўзоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида “Ғаллабанк” акциядорлик-тижорат банки негизда “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда ПҚ-1084-сонли қарорига мувофиқ иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳаси субъектларининг моддий ва

молиявий базасини мустаҳкамлаш, замонавий қайта ишловчи корхоналарни жадал барпо этиш, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида “Пахтабанк” акциядорлик-тижорат банки “Агробанк” акциядорлик тижорат банкига айлантирилди.

Бундан ташқари, Жанубий Кореянинг “Шинхан” банки ваколатхонаси очилди ва 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра йирик хорижий банкларнинг республикамиздаги ваколатхоналари сони 8 тага етди.

Республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида банк инфратузилмасини янада кенгайтириш орқали аҳолига ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган банк хизмат турларини кўпайтириш, уларга банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш ҳамда банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида, 2009 йилда қўшимча 157 та, шу жумладан қишлоқ жойларда қўшимча 113 та мини-банклар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2 318 тага, шу жумладан, қишлоқ жойларида 1 605 тага етди.

Шу билан бирга, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган махсус кассалар сони бир йил давомида 221 тага ортиб, 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 632 тани ташкил этди.

Охирги уч йил давомида ва хусусан 2009 йилда мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет ва банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда ўзлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар ўзининг амалий самарасини берди.

Хусусан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни, унинг муҳим тармоқлари корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ички истеъмолни рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўтган йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ). Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотларига асосан, 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши - 9,0 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 5,7 фоизни, чакана товар айланмаси – 16,6 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши – 12,9 фоизни ташкил қилди.

2009 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ЯИМ таркибидаги улуши 47,2 фоизни ташкил қилди. Хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати 21,6 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш хизмати 21,8 фоизга, маиший хизматлар ҳажми 22,6 фоизга ҳамда молиявий хизматлар 24,7 фоизга ўсди.

Инфляция. Нархлар барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инфляциянинг 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткич доирасида бўлиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, истеъмол баҳолари индекси бўйича ҳисобланган инфляция даражаси 2010 йилда эса 7.3 фоизни ташкил этди.

Марказий банк томонидан миллий валюта барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатининг юритилиши монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини бартараф этишга хизмат қилди.

Инвестициялар. Ҳукумат томонидан инвестицияларни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар 2010 йилда ҳам республикада юқори инвестицион фаолликни сақлаб қолиш имконини берди. Хусусан, иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 2009 йилга нисбатан 24,8 фоиздан зиёдга ошиб, 8,2 млрд. долларни ташкил этди.

Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсиб, уларнинг асосий қисмини ташкил этган тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар ҳажми 1,8 баробар ошди.

Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг 46,9 фоизи хўжалик субъектлари ва аҳолининг ўз маблағлари, 27,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, 8,1 фоизи эса бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Янги иш ўринларини яратиш. 2009 йилда иш билан бандликни ошириш борасида қўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Республикамизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириб бориш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 2009 йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ўрта ҳисобда 40 фоизга ошди.

Ташқи иқтисодий фаолият. Республика Ҳукумати томонидан экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини ва экспорт бозорлари географиясини кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2009 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси сақланиб, 2,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

2009 йилда экспорт ҳажми аввалги йилга нисбатан 2,4 фоизга, шу жумладан, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари экспорти 42,2 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 39,0 фоизга ўсди.

2009 йилда импорт ҳажми 2,7 фоизга камайди. Айни пайтда, импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг 5,5 фоизга, машина ва ускуналар импортининг 5,0 фоизга ошиши кузатилди.

Республикамиз ўтган йилда жаҳоннинг 167 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди. Жами ташқи савдо айланмасида Европа давлатларининг улуши 59,6 фоизни, Осиё давлатлари 37,3 фоизни, Америка қитъаси давлатлари 2,8 фоизни, Африка, Австралия ва Океания давлатлари улуши эса 0,3 фоизни ташкил этди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳамда хорижий мамлакатлар билан анъанавий савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши давом этмоқда. МДХ давлатларидан Россия, Қозоғистон ва Украина, ўзоқ хорижий мамлакатлардан Жанубий Корея, Хитой, Эрон, Туркия ва Швейцария каби давлатлар мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланади. 2009 йилда МДХ давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси жами ташқи савдо айланмасининг 37,7 фоизини ташкил қилди.


Пул-кредит соҳасида амалга оширилган ишлар. 2009 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонун, "Монетар сиёсатнинг 2009 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари" ва Вазирлар Маҳкамасининг "Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли қарори талаблари асосида амалга оширилди.

Хусусан, инфляция даражасининг 8 фоиздан ошмаслигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсати юритилиб, Ҳукумат билан биргаликда ички истеъмол бозорида нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган бошқа антиинфляцион чора-тадбирлар амалга оширилди.

2009 йилда монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини олдини олиш мақсадида монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланилди.

Очиқ бозордаги операциялар банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва молия бозори барқарорлигини таъминловчи инструмент сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда қўлланилиб борилди.

Марказий банк томонидан ўтган йилда ҳам, пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро резервларнинг кўпайиши ҳисобига юзага келган ортиқча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари мунтазам ўтказиб борилди. Жумладан, 2009 йилда Марказий банк томонидан тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкнинг махсус депозитлари ва облигацияларига жалб қилиш операцияларининг ўртача ойлик ҳажми 2008 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 1,7 трлн. сўмни ташкил қилди.



2.3-расм. Пул-кредит инструментлари орыали амалга оширилган операциялар⁹

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган давлат ўрта муддатли облигациялари ҳамда Марказий банк облигациялари билан бирламчи ва икқиламчи бозорларда олди-сотди операцияларини амалга ошириш давом эттирилди.

⁹ Марказий банк маълумотлари асосида тузилди.

Мажбурий резервлар. 2010 йилда тижорат банклари мижозларининг депозитлар бўйича ўрнатилган мажбурий резерв талаблари муомаладаги пул массасини ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қўлланилди, ушбу инструментнинг қўлланилиш механизмига киритилган ўзгартиришлар унинг самарадорлигини янада оширди.

Пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан ўзоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий резервлар нормаси тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Жумладан, мажбурий резервлар нормаси, муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун - 15%, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун - 12%, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун - 10,5% миқдорида ўрнатилди.

Шу билан бирга, мажбурий резервларни ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ўн тўрт кунга қисқартирилди ва бу тижорат банкларига ликвидликни янада самарали ва тезкор бошқариш имкониятини бермоқда.



2.4-расм. Мажбурий захиралар қолдиғининг динамикаси¹⁰

Амалдаги ва кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоизга туширилди. Бу эса, ўз

¹⁰ Марказий банк маълумотлари асосида тузилди.

навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағида 3,7 млрд. доллар миқдорида маблағлар шакллантирилиши ҳам ташқи омилларнинг пул массасига таъсирини камайтиришга хизмат қилди.

Фоиз ставкалари динамикаси. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини олдини олишга қаратилган Ҳукумат қарорлари асосида тижорат банкларининг реал сектор корхоналарини ўзок муддатли кредитлаш бўйича ресурс базаларини ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилинишини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банкларининг фоиз сиёсатига ўз таъсирини кўрсатди.

Жумладан, ўтган йилда жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари йил давомида 14 фоиз атрофида сақланиб қолди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилган имтиёзли кредитлар ҳажмининг ошиши натижасида 2010 йилда кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси йил бошидаги 16,4 фоиздан йил охирига келиб 15,9 фоизгача пасайди.

Валюта сиёсати. 2010 йилда Марказий банк миллий валюта барқарорлигини таъминлаш борасида аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга оширди.

Валютани тартибга солишда ўзгариб боровчи-бошқариладиган алмашув курси стратегиясининг қўлланилиши ташқи иқтисодий конъюнктуранинг мамлакатимиз молия тизимида салбий таъсирини бартараф этиш ва ички валюта бозорида мувозанатни таъминлаш имкониятини берди.

Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун валюта бозорида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, валюта операцияларини амалга ошириб борди. Натижада, 2010 йилнинг охирига келиб, бир АҚШ долларининг номинал қиймати 1511,4 сўмни ташкил қилиб, миллий валютанинг номинал девальвацияси 8,5 фоизга тенг бўлди.

Сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси динамикаси остида шаклланди. 2009 йилда сўмнинг еврога нисбатан девальвацияси 8,0 фоизни, япон иенаси ва фунт стерлингга нисбатан эса мос равишда 7,2 ва 12,4 фоизни ташкил қилди.

Ўтган йилда жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамадан, маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган валюта сиёсатининг юритилиши ҳамда Ҳукумат томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакат ташқи савдо балансида ижобий сальдога эришилганлиги республикага хорижий валюталар тушумини ошириб, ички валюта бозоридаги савдолар ҳажмини кенгайтириш имконини берди.

Марказий банк томонидан юқорида қайд этиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга ошириб борилганлиги натижасида иқтисодиётнинг пулга бўлган талаби тўлиқ қондирилган ҳолда пул-кредит кўрсаткичлари ва инфляциянинг белгиланган мақсадли параметрлар доирасида бўлишига эришилди.

Кредит институтларида амалга оширилган ишлар. Банк тизими ва унинг ривожланиши 2010 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида Ҳукуматимиз томонидан 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастур доирасида банк-молия

тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини берди.

Кўрилган тадбирлар қаторида банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини, уларнинг ресурс базасини янада ошириш орқали банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда ўзлуксиз ишлашини таъминлаш, банкларнинг иқтисодийни модернизация қилиш жараёнларидаги иштирокини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида, сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 3 трлн. 10 млрд. сўмга етди.

Биргина 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва қарорларига асосан Халқ банки, Асакабанк, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Микрокредитбанк”, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”ларнинг устав капиталларини белгиланган параметрларга етказиш борасидаги ишлар давом эттирилиб:

- Давлат тижорат Халқ банкининг устав капитали 130 млрд. сўмга;
- “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 110 млрд. сўмга;
- “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 150 млрд. сўмга;
- “Агробанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 100 млрд. сўмга;
- “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 90 млрд. сўмга;


- “Асака” давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 300 млрд. сўмга етказилди.

Шунингдек, давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 150 млрд. сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Банклар устав капиталига хусусий капитални жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида «Тошкент» РФБнинг листингига киритилган банклар сони 18 тага етди ва 2009 йил давомида уларнинг 17,4 млрд. сўмлик акциялари бевосита фонд биржасида инвесторларга сотилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунга келиб Ўзбекистон банк тизими халқаро талабларга жавоб берадиган барқарор тизимлардан бирига айланиб, айти пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияга эга бўлди.

Хусусан, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига банклар капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан юқори даражани ташкил этди ва бу банклар назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан қарийб 3 баробарга кўпдир.



2.5-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси ¹¹

Шу билан бирга, халқаро стандартларга асосланган самарали банк назоратининг юритилиши, активларнинг ликвидлиги ва сифати устидан доимий мониторинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳо берилишига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Fitch Ratings», «Moody's investors service», «Standart & Poor's» каби нуфўзли халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.


Банк тизими барқарорлигининг асосий омилларидан бири банк тизимининг ликвидлиги ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ҳам етарли даражада сақланаётгани Ўзбекистон банкларини халқаро микёсдаги энг ишончли ва барқарор шериклар қаторидан мустаҳкам жой олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятлардан 10 баробар кўпдир. Бу эса республикаимиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлигидан далолат беради.

Тижорат банкларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш борасида амалга оширган ишлари натижасида миқдорларнинг банклардаги депозитлари ҳажми 2008 йилга нисбатан 1,5 бараварга ошиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 8 703 млрд. сўмга етди.

Фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатларининг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан кафолатланганлиги ва аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-

¹¹ Марказий банк маълумотлари асосида тузилди.

тадбирлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Натижада, фақат 2009 йилнинг ўзида аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари миқдори 1,7 баробар ошиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2 914 млрд. сўмни ташкил этди.



2.5-расм. Кредит ташкилотларида аҳоли омонатларининг қолдиғи динамикаси¹²


Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди.

Жумладан, банкларнинг жами активлари 2009 йилда 30 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига 15 трлн. 703 млрд. сўмни ташкил этди.

Банклар томонидан реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2009 йилда 34,3 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 8 трлн. 558 млрд. сўмни ташкил этди. Тижорат банкларининг ўзоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг

¹² Марказий банк маълумотлари асосида тузилди.

умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.



2.6-расм. Кредит ташкилотларининг жами активлари қолдиғи динамикаси¹³

Шу билан бирга, банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилга келиб, банкларнинг жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди. Бошқача қилиб айтганда сўнгги 10 йил ичида иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига кредитлар ажратиш, инвестициялаш ҳажмларини ошириш билан бир қаторда банклар томонидан уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли ва 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармонлари талабларига мувофиқ банклар

¹³ Марказий банк маълумотлари асосида тузилди.

томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, хусусан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жаҳон бозорида айрим маҳсулотлар нархлари ва уларга бўлган талабнинг пасайиши ҳисобига молиявий қийинчиликларга дуч келган маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида, уларга айланма маблағларини тўлдириш учун 2009 йилда умумий миқдори 233 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади.

Жумладан, мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами банкрот деб эълон қилинган 240 та корхонадан 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур корхоналарда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда ушбу корхоналарни потенциал инвесторларга сотиш мақсадида банklar томонидан 57,5 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига асосан, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини тиклаш билан боғлиқ тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, уларга бир қатор солиқ ва кредит имтиёзларининг берилиши ушбу соҳанинг янада ривожланишига имкон яратди.

2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 50 фоизга ошиб, 1 трлн. 852 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кредитларнинг 322,1 млрд. сўми кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 1,6 бараварга кўпдир.

Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2009 йилда 16,3 мингтага ўсиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 196,5 мингтага етиб, улар томонидан ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир. 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизгача пасайтирилди, якка тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

Шунингдек, кичик бизнес соҳасида аҳоли бандлигини янада ошириш борасида аҳамиятга молик ишлар бажарилди. Жумладан, 2009 йилда кичик бизнесда иш билан банд бўлганларнинг жами иш билан банд бўлган аҳоли таркибидаги улуши 74,8 фоизга етди.

Нобанк кредит ташкилотларининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида” 2007 йил 8 июндаги 114-сонли қарорига асосан Марказий банк томонидан республика ҳудудларида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ва кредит уюшмалари тизимини ривожлантириш, аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини

кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2009 йилда Марказий банк томонидан 26 та кредит уюшмаси, 6 та микрокредит ташкилоти ва 14 та ломбардларга фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилди.

Натижада, республика бўйича нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 183 тага етиб, шундан, кредит уюшмалари 103 тани, микрокредит ташкилотлари 32 тани ва ломбардлар 48 тани ташкил этди. 2009 йилда кредит уюшмалари хизматидан фойдаланувчилар, яъни уларнинг аъзолари сони 53,4 мингтага ёки 54 фоизга ортиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 153,1 мингтага етди.

Ўтган йилда кредит уюшмаларининг капитали қарийб 2 баробарга, жалб қилинган депозитлари миқдори 1,9 баробарга, улар томонидан ажратилган кредитлари миқдори 1,8 баробарга ортди. Натижада, кредит уюшмаларининг жами активлари миқдори 212,1 млрд. сўмни, капитали 48,8 млрд.сўмни, депозитлари миқдори 151,3 млрд. сўмни ва ажратилган кредитлар қолдиғи 184,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, 2009 йилда ломбардларнинг активлари 114 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 3 863 млн. сўмни, кредит қўйилмалари қолдиғи 113 фоизга ошиб, 3 212 млн. сўмни, капитали эса 120 фоизга ошиб, 3 524 млн. сўмни ташкил этди.

2.3 Ўзбекистон молия бозорида банк тизимининг тутган ўрни ва роли

Банк – бу тижорат ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни қабул қилиш, олинган маблағлардан ўз таваккалчилиги ва хатари остида кредитлаш ёки. инвестициялаш, шунингдек, тўловларни амалга ошириш учун фойдаланадиган юридик шахсдир. Ўзбекистонда банклар фаолияти, жумладан, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонунлари билан тартибга солинади. Бизнинг давлатимизда, кўпгина ривожланган давлатлардаги каби, икки поронали банк тизими

мавжуд бўлиб, уни бошқа банклар фаолиятини тартибга солиб турувчи, ҳукуматнинг "банкчиси" вазифасини ўтайдиган ва пул муомаласини тартибга солиб турувчи, "банклар банки" бўлган Марказий банк бошқариб туради (биринчи поғона). Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга кредит – ҳисоб – китоб юритиш хизматларини кўрсатади, улар пассив (ўз шахсий ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган), актив (омонатларни жойлаштириш операциялари) ҳамда воситачилик (кредит билан боғлиқ бўлмаган) операцияларини амалга оширади (иккинчи поғона).

Ўтиш даврида банклар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш учун энг қулай шарт – шароитларга эга бўлди ва ҳозир ҳам ана шундай шароитларга эгадир. Биринчидан, анъана бўйича, банкларда фонд бозори тўғрисида тасаввурга эга бўлган юқори малакали кадрлар тўпланган. Иккинчидан, банклар тўғрисидаги қонунчиликнинг ўзи тижорат банкининг фаолиятини акциядорлик жамияти, яъни муомалага қимматли қоғозларни ва авваламбор акцияларни чиқариб турувчи эмитент сифатида тартибга солиб туради. Ўзбекистонда биринчи йирик эмитентлар – акциядорлик жамиятлари айна шу тижорат банклари бўлган. Учинчидан, одатдаги корхона ва ташкилотлар билан солиштирилганда, банклар катта миқдорда ўз маблаклари ва қарз ресурсларини тўплаганлар, улар ўз навбатида, фонд бозорида йирик сармоядор сифатида қатнашиш учун шарт–шароитлар яратади. Ниҳоят, республика қонунчилиги банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини бирон бир тарзда (масалан, бир қанча давлатларда, хусусан АҚШда бўлганидек) чекланмаган ва айна йилда банклар ўз мижозларининг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида энг кенг маълумотларга эга бўлган, бу эса уларга бундай маълумотларни олишга ҳуқуқи чекланган одатдаги сармоядорлар олдида имтиёзлар берган.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи шундан иборатки, улар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, ушбу бозор қатнашчиси сифатида бир йилнинг ўзида бир неча

вазифаларда, хусусан: акциялар, депозитлар ва омонат (жамғарма) сертификатлар ҳамда банк векселлари эмитентлари сифатида; бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олувчи сармоядорлар сифатида; ўз миждозларига маслахатлар берадиган, депозитар операцияларини бажарувчи, қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция муассасалари ва ҳ.к. сифатида қатнашиши мумкин. Айни йилда тижорат банклари фонд бозори умумий инфратузилмасининг унсуридир ва бу вазифада уларнинг роли ниҳоятда катта, чунки амалда қимматли қоғозлар бозорининг ҳар бир иштирокчиси банкнинг хизматисиз иш тутолмайди, чунки у ҳисоб – китоб рақами ва бошқа ҳисобрақамларини очади, уларда пул маблағларини, жумладан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар учун ишлатиладиган маблағларини сақлайди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ банклар банк миждози томонидан вексел ёзиладиган йилда вексел топшириқномаси (аваль)ни бериш йўли билан вексел муомаласини назорат қилиши керак. Марказий банк депозит ва омонат сертификатлари ва банк векселларини чиқариш, уларни муомалага киритиш, муомаладан чиқариш учун жавоб берар экан, фонд бозори иштирокчиси сифатида фонд бозорини тартибга солиш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тутган ўрни турли давлатларда турличадир. АҚШда банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри операцияларни амалга ошириши ва фонд биржаларига аъзо бўлиши тақиқланган. 1933 йилги қонунга мувофиқ тижорат банклари саноат компаниялари акциялари ва облигацияларини чиқаришни ташкил этишда қатнаша олмайди. Банклар ўз маблағларини саноат компаниялари акцияларига инвестиция қилиши ман этилган бўлиб, қарз олувчи миждознинг тўловга ноқобиллиги билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида қилинадиган инвестициялар бундан мустасно. Аммо ушбу тақиқ банклар томонидан катта ҳажмлардаги траст операцияларини бажариш

(қимматли қоғозларни мижозларнинг топшириқлари бўйича бошқариш) билан қопланади, мазкур америкача ўзига хослик банклар саноат компаниялари акцияларига амалда эгалик қилишини кўзда тутаяди, қонун банкларга давлат қимматли қоғозлари, муниципал облигацияларни чиқариш, турли идоралар ва халқаро ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган қарз мажбуриятларини ташкил этиш, шунингдек, мижозлар ҳисобидан ва уларнинг топширигига кўра қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳамда сотиш бўйича айрим воситачилик (брокерлик) функцияларини бажариш учун рухсат беради.

Бир қанча давлатлар қонунчилигида (Япония, Буюк Британия, Канада, Франция) сўнгги йилларгача банкларга фонд биржалари ишида бевосита қатнашиш ман этилар эди. Бироқ ҳозирги пайтда ушбу мамлакатлар қонунчилигида банкларнинг биржаларда иштирок этиш имкониятини берадиган жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Бунинг акси сифатида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларда банкларнинг фаол қатнашишига Германия мисол бўла олади, бу ерда фақат тижорат банкларига қимматли қоғозлар билан барча турдаги операцияларни амалга ошириш учун рухсат берилган. Германияда соф кўринишдаги брокерлик фирмалари йўқ. Одатда, инвестиция институтлари амалга оширадиган барча вазифаларни Германияда банклар бажаради. Бу ерда банклар энг кўп миқдорда облигациялар чиқаради, улар энг йирик сармоядорлар ҳисобланади, давлат қимматли қоғозларининг андеррайтерлари сифатида чиқади. Банклар, шунингдек, мижозларнинг ҳисобидан ва уларнинг топширини бўйича ҳамда ўз шахсий ҳисобидан битимларни амалга оширади экан, фонд бозорида воситачилик операцияларини ҳам бажаради. Кўпгина ҳолларда айти шу банклар фонд биржалари аъзоларининг умумий таркибини шакллантиради.

Кўпгина банклар ўзларининг тадқиқот бўлимларига эга, улар мижозларнинг топшириқлари бўйича қимматли қоғозлар бозори даги вазиятни таҳлил қилади, биржа ва биржадан ташқари бозорлар

конъюнктурасини тадқиқ этади. Бунда иқтисодий, сиёсий ва бошқа ахборотлардан кенг миқёсда фойдаланади. Ушбу тадқиқотлар асосида инвестицион тактик ва стратегик маслаҳатларга мухтож бўлган кўп сонли мижозларнинг консалтинги амалга оширилади.

Мижозларнинг қимматли қоғозлари портфелини бошқариш бўйича банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар уларга катта даромад келтиради. Мижозларнинг хоҳиши бўйича уларнинг пуллари хавфли ёки нисбатан ишончли қимматли қоғозларга қўйилма қилинади. Бунда банклар ўзаро қаттиқ рақобатни бошдан кечиришига тўғри келади, чунки мижозлар бир йилнинг ўзида бир неча банкларга бундай операцияларни бажаришни топшириши, кейинчалик эса, маблағлари энг кўп самара берадиган битта банкни танлаб олишлари мумкин. Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш йилида уларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқ ҳисобини юритиш мақсадида банклар ўз депозитарийларини яратади. Улар бевосита банкларда (одатда, ерости хоналарда, мижозларнинг бойликлари сақланадиган махсус сейфлар турадиган омборларда) жойлашган. Банк депозитарийлари қимматли қоғозларни нақд ва нақд бўлмаган шаклларда, компьютер тизимларида электрон шаклдаги ёзувлар воситасида сақлайди. Банклар, шунингдек, қимматли қоғозлар учун ҳисоб–китоблар бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар вазифасини бажариши ҳам мумкин. Банклар томонидан инвестиция муассасаларининг таъсис этилиши алоҳида аҳамият касб этади, улар орқали қимматли қоғозлар бозорида биратўла бир неча йўналишлар бўйича иш олиб борилади.

Россия Федерациясида банклар қимматли қоғозлар билан ўз операцияларини амалга оширишда қисман чеклаб қўйилган. Масалан, Россия банклари хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларини сотиб олувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, акциядорлик жамиятлари акцияларида ўз соф активларининг 5 фоиздан ортигини қўя олмайдилар, ўз мулкида бирор акциядорлик жамияти акцияларининг 10 фоиздан ортиқ қисмига эга бўлиши мумкин эмас,

Ўзбекистонда фонд бозори яратила бошланиши билан фонд бозорининг аралаш "европача" модели мавжуд бўлиб, бунда банклар ҳам, нобанк ташкилотлар – инвестиция муассасалари ҳам тенг ҳуқуқларда ишлаши мумкин. Банклар амалда инвестиция муассасаларининг қимматли қоғозлар бозорида амалга оширадиган фаолиятининг қонунчиликда белгиланган маълум бир турини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлиши керак. Лицензиялаш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш учун масъул бўлган орган томонидан амалга оширилади.

Катта миқдордаги пул ресурсларига эга бўлиб, ўз муассасалари орқали саноат компанияларига кириб борар экан, айнан банклар ўзларининг банк капиталини саноат капитали билан қўшиш ташаббускори – молиявий капитал деб аталувчи капиталнинг яратувчилари бўлди.

Банклар – ўзига хос ноёб муассасалар бўлиб, амалда фонд бозорининг барча воситалари, акциялар, давлат қисқа муддатли облигациялари, депозит ва депозит (омонат, жамғарма) сертификатлари, векселлар билан ишлашни ўзлаштириб олиб, бугунги кунда улар қимматли қоғозлар бозорида эмитентлар, сармоядорлар ва инвестиция муассасалари сифатида чиқмоқда. Демак, бундан кейин ҳам республика қимматли қоғозлар бозори ривожланиши билан банкларнинг бу соҳадаги мавқеи тобора кучайиб бораверади.

Тижорат банкларининг мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ортиб бораётан эътибори, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган тобора ўсиб боровчи эҳтиёжлари билан ўзвий бокликдир, чунки уларсиз ижтимоий ишлаб чиқаришни чуқур қайта қуриш, экспорт салоҳиятини ўстириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мумкин эмас.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувининг муҳим омили – уларнинг устав ва айланма фондларига ўз қимматли қоғозлари эмиссияси асосида қўшимча ресурсларни жалб этишда эҳтиёжнинг кучайиб бораётганидир.

Нихоят, банклар учун қимматли қоғозларнинг самарали тўлов воситаси – гаров сифатидаги роли тобора ўсиб бораётгани катта аҳамиятга эга бўлиб, бу – ўтиш даврида айниқса долзарбдир.

Қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг фаоллашувига сабаб бўлган энг муҳим шарт–шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистонда амал қилаётган қонунчилик бўйича тижорат банклари қимматли қоғозлар билан ҳар қандай турдаги операцияларни амалга оширишда қатнашишига йўл қўйилади;

- банкларнинг нисбатан барқарор молиявий аҳволи ва банк операцияларининг юқори даромадлилиги уларга банк хизматларининг янги турларини, хусусан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган кўпгина операцияларни ўзлаштиришга катта молиявий ресурсларни ажратиш учун имкон беради;

- банкларда мавжуд бўлган техник, ахборот ва кадрлар салоҳияти, шуъба банкларининг кенг тармоғи ва миқдорлар базаси уларни қимматли қоғозлар бозорининг энг қобилиятли қатнашчиларига айлантиради,

- банклар билан бошқа молиявий–иқтисодий муассасалар ўртасидаги кучайиб бораётган рақобат, кўпгина анъанавий банк хизматлари (кредитлаш, валюта – молиявий, агентлик операциялари)ни кўрсатишдан кўриладиган фойданинг пасайиб бориши, банкларнинг ўз фаоллиги диққат марказини қимматли қоғозлар бозори соҳасига кўчиришга мажбур қилмоқда.

“Тошкент” РФБ листинги рўйхати (2008 йил якунларига кўра)га назар ташлар эканмиз рўйхатда мавжуд 18 та акциядорлик жамиятининг 16 таси тижорат банклари эканлигини кўрамыз. Бу эса фонд биржасида банкларнинг иштироки жуда юқорилигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган шарт–шароитлар ва қулай омилларнинг мавжудлиги банклар олдида қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти кўламини кенгайтириш ва яқин келажакда иқтисодиётнинг ушбу устувор соҳасидаги фаолиятини янада фаоллаштириш учун катта имкониятлар очиб беради.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш мақсадлари. Қайд этиб ўтилганидек, қимматли қоғозлар бозорининг барча катнашчилари орасида банклар шу билан фарқланадики, улар бир йилнинг ўзида фонд бозорининг қонунчилик билан рухсат берилган деярли барча молиявий воситаларида: акция, облигация, депозит сертификатлари ва векселларда эмитентлар сифатида қатнашиши мумкин.

Банклар фаолиятида ўз шахсий облигацияларини муомалага чиқариш билан боғлиқ бўлган иш катта ўрин тутди. Ўзбекистонда, хусусан, банкларнинг аксарият кўпчилик қисми акциядорлик жамияти мақомига эга бўлиб, бу ҳол устав фондларини шакллантириш учун авваламбор ушбу қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилишини кўзда тутди. Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб Ўзсаноатқурилишбанк, Ўзагропромбанк (ҳозирги Пахтабанк), Ўзинбанк, Туронбанк қонсолидацияси, Ипак йўли банки биринчилардан бўлиб ўз акцияларини муомалага чиқара бошлади. Ўша давр эмиссиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборат эдики, банкларнинг эълон қилинган устав капитали бир неча йиллар давомида реал шаклланидиган анча юқори бўлар эди, банк акциядорлари эса, авваламбор уларнинг мижозлари бўлган эди.

Ҳар бир банк эмиссия сиёсати (қимматли қоғозларни чиқариш) тўғрисида ишлаб чиқилган ва Банк кенгаши томонидан тасдиқланган Низомига эга бўлиши керак, унда мажбурий тартибда қуйидаги масалалар акс эттирилган бўлиши лозим:

- банк эмиссия фаолиятининг стратегияси ва мақсадлари (устав капиталини шакллантириш, ликвидликни қўллаб – қувватлаш, қарз мабларларини жалб этиш);
- банк томонидан чиқарилиши режалаштирилаётган қимматли қоғозлар тури ва хиллари, эмиссия муддатлари;
- қимматли қоғозлар ликвидлилиги ва айланишини қўллаб – қувватлаш;
- қарз мажбуриятларининг ўз йилида тўланишини таъминлаш.

Тижорат банкларининг ўз акцияларини чиқариш ва уларни очик бозорда жойлаштиришдан манфаатдорлиги бир қанча шарт–шароитлар билан изоҳланади. Энг аввало бу – банк пассивларини шакллантириш заруриятидир. Ўз капиталларини доимий равишда кадрсизлантириб турадиган инфляция, банкларнинг ўзоқ муддатли депозитларни жалб этиш имкониятидан махрум қилади. Шу сабабли нисбатан ўзоқ муддатли кўйилмаларни амалга ошириш учун банклар ўсиб бораётган миқдорларда ўз капиталидан фойдаланишига тўғри келади. Яна шуни қайд этиш керакки, тижорат банклари томонидан устав сармоясини кўпайтириш ва кўшимча акцияларни чиқариш, қайта тузилмавий ўзгаришлар қилиш – акциядорларнинг улушини ўзгартириш учун фойдаланилади. Нихоят, илгари қайд этилганидек, тижорат банки устав сармоясининг энг кичик миқдорига кўйиладиган талаблар, шунингдек, тегишли тартибга солиб турувчи ташкилотлар (Вазирлар Махкамаси, Марказий банк) томонидан банклар учун белгиланган иқтисодий меъёрлар мавжуд бўлиб, уларга риоя этиш шартдир.

Ўзбекистон давлатида тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тартиби, одатда, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. *Эмитент–банк томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.* Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор тегишли ваколатга эга бўлган банк бошқарув органи томонидан қабул қилинади. Одатда, бу акциядорларнинг умумий мажлисидир. Бунда банк ўзининг сўнгги уч молия йили давомида зарар кўрмай ишлаган бўлиши, охириги уч йил мобайнида амалдаги қонунчиликни бузганлик учун давлат органлари томонидан жазо олмаган бўлиши, кредиторларга муддатида ўтган қарзлари ва бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлмаслиги керак. Банкнинг ушбу талабларга жавоб беришини тасдиқлайдиган маълумотлар қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласида кўрсатилган бўлиши керак.

2. *Қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласини тайёрлаш.* Қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласи банк бошқаруви томонидан тайёрланиб, унинг раиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Эмиссия рисоласида банк,

унинг молиявий аҳволи ҳамда бўлғуси қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги маълумотлар (қимматли қоғозлар тўғрисида умумий маълумотлар, уларни тарқатиш шартлари ва тартиби, қимматли қоғозларни чиқариш ҳисоб–китоб шартларига оид маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ёки фоизларни олишга тегишли маълумотлар) акс эттирилади.

3. *Қимматли қоғозлар ва эмиссия рисоласини чиқаришни рўйхатдан ўтказиш.* Ушбу операцияни эмитент–банк қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органида амалга оширади.

4. *Эмиссия рисоласини нашр этиш ва қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш.* Бунинг учун эмитент–банк, одатда, рисола алоҳида брошюра шаклида, кўпчилик харидорларни хабардор қилиш учун етарлича миқдорда нашр эттиради.

5. *Қимматли қоғозларни сотиш.* Эмитент–банк қимматли қоғозларни чиқаришни рўйхатдан ўтказиб, эмиссия рисоласи ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги хабарни тарқатганидан кейингина уларни сотишни бошлаши мумкин. Эмиссия рисоласи рўйхатдан ўтказилмагунига қадар ўз қимматли қоғозларини реклама қилиш ман этилади. Акцияларни жойлаштириш харидор билан тузилган муайян миқдордаги акцияларни олди–сотди шартномасига асосан сўмларга сотиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бунда банк воситачилар – брокерлик фирмалари билан махсус воситачилик ва топшириқ шартномалари тузиб, уларнинг хизматида фойдаланиши мумкин. Сотилган акцияларнинг сони чиқарилиши мўлжалланган ва рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган акциялар сонидан ошмаслиги шарт.

6. *Қимматли қоғозларни чиқариш якунларини рўйхатдан ўтказиш.* Бу жараён қимматли қоғозларни сотиш тугалланганидан кейин амалга оширилади. Банк сотув натижаларини таҳлил қилади ва қимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисида ҳисобот тузади, бу ҳисобот раҳбарият томонидан имзоланиб, банк муҳри билан мустаҳкамланади

(тасдиқланади) ва рўйхатга олувчи органга тақдим этилади. Ушбу орган қимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиши лозим, агар бу органнинг эътирозлари бўлмаса, ҳисобот ва якунни рўйхатга қайд этади. Борди-ю, рўйхатдан ўтказувчи орган банкка ҳисоботни рўйхатга олишни рад этса, у эмитентга бу ҳақда хат орқали маълум қилиши лозим. Хатда рад этишнинг сабаблари (масалан, қимматли қоғозларни чиқариш жараёнида амалдаги қонунчилик, банк қоидалари, йўриқномалари бузилгани, ҳисобот ўз йилида тақдим этилмагани) аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

7. Қимматли қоғозларни чиқариш якунларини чоп этиш. Уларни чиқариш тўғрисидаги хабар босиб чиқарилган матбуот органида амалга оширилиши лозим.

Банк инвестицияларига, қоида бўйича, фойда олиш мақсадида бир йилдан ортиқ, йилда тўлаш шарти билан қимматли қоғозларга маблағларни қўйилма қилиш киради. Агар банк турли эмитентлар қимматли қоғозларидан бир неча турини сотиб олса, яъни унинг қўйилмалари диверсификацияланган бўлади ва бунда мазкур банк инвестициялар портфели ҳақида гапириш мумкин бўлади. У портфел таркибини режалаштириш, таҳлил қилиш ва тартибга солиб туриш, портфел олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун уни шакллантириш ҳамда қувватлаб туриш, унинг ликвидлиги зарур даражада бўлишини сақлаб туриш ва у билан боғлиқ харажатларни камайтиришни ўз ичига олади. Инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва инвестиция портфели тузилмасини аниқлаш йилида банклар ав валамбор ликвидлик, даромадлилик ва хатарга эътибор беради. Банкларнинг қимматли қоғозларга инвестициялар қилишдан мақсади – фоизлар олиш, капитални сақлаб қолиш ва қимматли қоғозлар курси қийматининг ўсиб бориши асосида сармоянинг ортиб боришини таъминлашдан иборатдир.

Банкларнинг бу соҳадаги стратегиясига банк қонунчилиги катта таъсир кўрсатади. Буюк Британия, Италия каби мамлакатларда қонун банк портфелида мавжуд бўлган қимматли қоғозлар курс қийматининг ўсиши

ҳисобига вужудга келадиган яширин захираларнинг шакллантирилишини тақиқлайди. Бу давлатларда банклар ўз балансларида ўз активларининг қийматини, уларни қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, албатта кўрсатишлари шарт. Бошқа мамлакатларда, масалан, Япония, АҚШда активлар харид ёки номинал қиймати бўйича балансларда акс эттирилиши сабабли, яширин захиралар катта миқдорларга етиши мумкин, бу эса, банкни шундай инвестицияларни кўпайтириб боришга даъват этади.

Кўпгана мамлакатларда банк конунчилиги банк инвестиция портфелида мавжуд бўлган қимматли қоғозларнинг сифатига муайян талабларни қўяди. Бу талаблар, одатда, қимматли қоғозлар ликвидлигига тегишлидир, шунингдек, банк портфелини шакллантирувчи қимматли қоғозлар бозорда эркин муомалада бўлиши ёки кредит олиш йилида гаров сифатида Марказий банк томонидан қабул қилиниши керак.

Ўзбекистон банкларининг портфелини инвестициялаш объекти бўлиб корпоратив қимматли қоғозлар, шунингдек, давлат қисқа муддатли қоғозлари хизмат қилади.

Инвестициялаш жараёнида банк стратегиясининг икки тури фарқланади: пассив ва актив. Пассив, кўтиб турувчи стратегиянинг мақсади – ўртача бозорникига яқин бўлган даражадаги барқарор ва қатъий даромад олинишини таъминлашдир. Бу ҳолда, одатда, "нарвон" усули ёки "штанга" усули қўлланади. Биринчи усул турли муддатли қимматли қоғозларни банк томонидан танлаб олинган инвестициялаш муддати доирасида бир тەкис тақсимлаган ҳолда сотиб олишга асосланган. "Штанга" усули инвестицияларнинг акса рият қисми портфелнинг юқори ликвидлилигини таъминлайдиган жуда қисқа муддатли қимматли қоғозларга ҳамда юқори даромад олиш учун имкон берадиган анчагина ўзоқ муддатли қимматли қоғозларга йўналтирилишини аниқлатади.

Ўзбекистонда банклар ўзларининг қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда ушбу иккала усулни қўллайдилар. Бироқ Ўзбекистон учун умуман инвестициялашнинг нисбатан қисқароқ муддатлари ҳосдир.

Агрессив (тажовўзкор) сиёсат курслар ва фоизларнинг бозорда ўзгариб (тебраниб) туришидан даромад олиш имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиб қолишга йўналтирилган. Бундай стратегияни фақат катта инвестиция портфелига эга бўлган йирик банкларгина қўллаши мумкин. Агрессив стратегияни муваффақиятли олиб бориш учун банк кундалик бозорни ҳолисона баҳолай оладиган ва унда вазиятнинг ўзгаришига оид тахминлар тузишни таъминлайдиган тегишли таҳлилий имкониятларга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон банкларини инвестициялашнинг бош объекти давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) бўлиб, улар банкка кафолатли қатъий ва барқарор даромад олиш учун имкон беради. Кўпгина банклар ўзларининг йилинча бўш турган пул ресурсларини айти мана шу ДҚМОга қўйилма қиладилар. Шунини қайд этиш лозимки, кўпгина банклар ДҚМОга қўйилма қилаётганларида бир қанча ҳолларда иккиламчи бозорда нарх кўтарилиши – нарх пасайиши йилидаги фурсат (ўйин)дан фойдаланиб, катта даромад олиб, тажовўзкор сиёсат юритадилар.

Аҳамиятига кўра иккинчи ўринда турган, аммо энг катта истиқболга эга бўлган инвестициялаш объекти хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари бўлиб, улар дивидендлар шаклида даромадлар олиш ва курс қийматини ошириш учун, шунингдек, кейинчалик анча юқори нархда қайта сотиш учун сотиб олинади.

Саноат корпорациялари акцияларига банклар инвестициялари амалга оширилган йилда банк капитали билан саноат капитали қўшилиб – бирлашиб, молия капитали ҳосил бўлади. Бундай бирлашув, юқорида қайд этилганидек, ҳамма мамлакатларда ҳам бўлавермайди, лекин Ўзбекистонда у етарлича кенг ривожланди. Агар бирор акциядорлик жамиятининг акциялар пакетига эга бўлган банк уни бошқаришда, шунингдек, кредитлар, жумладан, имтиёзли кредитлар ёрдамида эмитентнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришда фаол иштирок этса, шундай бирлашиб кетишнинг афзалликлари намоён бўлади.

Ҳар бир банк инвестиция портфелининг муайян қисмини банк томонидан қўшма ва шуъба корхоналарга киритилган пайлар ва улушлар ташкил этади. Ушбу қўйилмалардан келадиган даромад баъзан катта миқдорларга етиши, аммо айрим ҳолларда умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Турлича бозор тузилмаларининг таъсисчилари бўлмиш банклар уларга катта мабларларни қўйилма қилади. Масалан, банклар инвестиция муассасалари ва биржаларнинг таъсисчилари бўлиши мумкин. Амалда Ўзбекистондаги ҳар бир банк турли йўналишдаги бир ёки хатто бир неча инвестиция муассасалари – инвестиция воситачилари, инвестиция компаниялари ва ҳ.к ларнинг таъсисчиси бўлади. Ўзбекистонда банкларга институционал сармоядорларнинг, яъни ўз иш фаолиятининг хусусиятига кўра доимий ва катта миқдордаги пул маблағларига эга бўлган ҳамда уларни қимматли қоғозлар портфелига қўйилма қилишга қурби етадиган ташкилотларнинг таъсисчилари бўлиш учун рухсат берилган. Банклар институционал сармоядорларнинг акцияларини сотиб олиб, пул маблақларини жамғариш (аккумуляциялаш) учун қўшимча имкониятга эга бўлади, шунингдек, миқдорларнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бўйича ўз операцияларини кенгайтиради

Банклар андеррайтинг бўйича операцияларни бажараётган йилда маблағларни қимматли қоғозларга инвестициялашга доир операцияларни амалга оширади, яъни банк–эмитент миқдорнинг қимматли қоғозларини жойлаштира олмаган йилда, ўз мажбуриятларини бажариш ва миқдорнинг устав сармоясини ўз йилида шакллантириш учун банкнинг ўзи миқдорнинг қимматли қоғозларини сотиб олишига тўғри келади. Аммо ушбу операциялар кўпроқ ночорлик хусусиятига эга Кейинчалик банк бундай қимматли қоғозларни сотиб олиб, уларни сотишга ҳаракат қилади ёки у фойда, шу билан бирга, дивидендлар келтира бошлаши учун эмитентни бошқаришда иштирок этади.

Банклар корхона акцияларига эга бўлиб ва унга кредитлар бериб, ўз инвестицияларини ҳимоя қилиш мақсадида кредитлашни давом эттиришга

жалб этилиши мумкин. Улар ўз обрўсини сақлаб қолиш учун корхонанинг молиявий барқарорлигини қувватлаб туришга мажбурдир қимматли қоғозларга инвестициялашни амалга оширишда баикнинг йўқотишлари бўйича мавжуд хатар асосан қисқа муддатлидир, лекин у банкнинг асосий капиталига нисбатан жуда юқори бўлиб қолиши ҳам мумкин. Банк эмитент – корхонанинг банкрот бўлиши билан боғлиқ ҳолда унинг акцияларига эга бўлгани учун зарар кўриши ҳам мумкин, аммо бундай йўқотишларнинг энг кўп тарқалган сабаби, бозор қийматини нотўғри баҳолаш ва қимматли қоғозларни ўзоқ йил давомида сақлаб туришдан иборатдир.

Банкнинг қимматли қоғозлар портфелига оид ички ҳисоботи қимматли қоғозларнинг тури ва хиллари, сифат таснифи, номинал ва бозор қиймат (нарни), сотиб олиш ва сотиш санаси, фоиз ставкаси, чегирмаси, олинган дивидендлар ёки фоизлар, олди – сотди битимлар фойдаси бўйича қисмларга бўлинган бўлиши керак. Бундай ҳисобот инвестицион қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек, олиш–сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича ҳам мунтазам равишда тайёрланиши зарур.

Ҳар бир банк, юқорида қайд этилганидек, ички ҳужжат сифатида банк Кенгаши томонидан тасдиқланган инвестиция сиёсати тўғрисидаги Низомига эга бўлиши ва унда мажбурий тартибда қуйидаги масалалар акс эттирилиши шарт:

- банкнинг инвестицион стратегияси ва мақсади (фойда олиш, эмитентни бошқаришда иштирок этиш, ликвидликни қувватлаш, гаров талабларига мувофшушк);
- банк инвестиция маблағлари қўйишни режалаштираётган қимматли қоғозларнинг тури ва хиллари ҳамда инвестициялар муддатлари;
- банкнинг эмитентлар ва тармоқлар бўйича акциялар бир жойда тўпланишини чеклаш, қимматли қоғозларга қўйилмаларнинг хатарсизлиги ва уларнинг сифатини баҳолаш, эмитент–корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳамда бошқарув тажрибасини баҳолаш, инвестициялар диверсификациясини қандай усуллар воситасида амалга ошириш бўйича режалари.

Бундан ташқари, инвестиция фаолиятини амалга ошириш йилида Марказий банк томонидан барча тижорат банкларига эмитентнинг умумий паспорт маълумотлари қайд этиладиган "қимматли қоғозлар эмитенти анкетаси (сўровномаси)" махсус шакли, шунингдек, унинг молиявий аҳволи (қоплаш коэффициенти, ликвидлилиги, алоҳидалиги, кредит қобиляти бўйича синфи, ссудалар бўйича қарздорлиги ва ҳ.к.)дан фойдаланиш тавсия этилган.

III Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари

3.1 Иқтисодийни модернизациялашда банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини ривожлантириш йўллари

2010 йилда банк тизимининг устувор вазифалари Инқирозга қарши чоралар дастурида жорий йилга белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, қўшимча равишда банк акцияларини муомалага чиқариш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг ўзоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш, банк инфратузилмасини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги фаоллигини янада кучайтиришдан иборат бўлади.

Шу билан бир қаторда, Ҳукумат томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ кичик бизнес субъектлари ва аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади.

Ўз навбатида Марказий банкнинг фаолияти банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади, хусусан:

Иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларни йирик инвестиция институтларига айлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Юқорида таъкидланган вазифанинг иқтисодий ривожлантиришнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартирилади. Бунда уларнинг иши ўзоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳоланади:

- тижорат банкларининг янги корхоналарни барпо этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ инвестицион фаолияти янада кучайтирилади. Бу мақсадда тижорат банкларида:

- инвестицион лойиҳалар ҳужжатларини, айниқса уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш;

- таваккалчилик, гаровлар ва бошқа таъминот турларининг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган инвестицион кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион фаолиятни амалга ошираётган банklar бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш,

уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга доир ишлар давом эттирилади.

- 2010 йилда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан банклар томонидан 3,2 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,4 трлн. сўм миқдорида, қишлоқ жойларида яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан 250 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда;

- барқарор экспорт салоҳиятига эга корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг банк кредитлари бўйича мавжуд қарзларини реструктуризация қилиш йўли билан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва уларга янги инвесторларни жалб қилиш борасидаги ишлар янада кенгайтирилади;

- маҳсулот ишлаб чиқарилишини янада кенгайтириш мақсадида, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш учун озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун ажратиладиган кредитлар ҳажми оширилади;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялаштиришда банкларнинг ролини кучайтириш бўйича ишлар давом эттирилади. Мазкур соҳага 2010 йилда ўтган йилга нисбатан кредит ресурслари миқдорини 1,4 баробарга кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини эса 1,3 баробарга ошириш кўзда тутилмоқда.

“Баркамол авлод йили” дастури доирасида белгиланган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2010 йилда тижорат банклари томонидан 3,3 трлн. сўмлик кредит маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Тижорат банкларининг ресурс базасини ва банк инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар доирасида:

✓ 2010 йилда тижорат банкларининг умумий капиталини кўшимча акцияларни фонд биржасида жойлаштириш орқали камида 20 фоизга ошириш, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиш;

✓ банклардаги аҳоли маблағлари ҳажмининг бир маромда ўсиб боришини таъминлаш ва доимий равишда янги жозибадор омонат турларини таклиф этиб бориш, хусусан 2010 йилда аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг ўзоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш ва бу йўналишда банклараро рақобатни янада кучайтириш;

✓ тижорат банкларининг ўзоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2009-2010 йилларга мўлжалланган, юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган 200 млрд. сўмдан кам бўлмаган ҳажмдаги ўзоқ муддатли облигациялар чиқаришни яқунлаш;

✓ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш кўламини ва сифатини ошириш билан боғлиқ ишларни давом эттириш, аҳолининг пластик карточкалар орқали муомала қиладиган депозитларининг сонини ошишини рағбатлантириш;

✓ қишлоқ жойларида банк хизматлари сифатини ошириш ва ҳажмини кенгайтириш, хусусан мини-банклар ва махсус кассалар фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш, банк тузилмалари сонини янада кўпайтириш;

✓ яқка тартибдаги баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлиш борасидаги ишларни давом эттириш;

✓ ҳисобварақ эгасига маълумот олиш ва банк ҳисобварағини электрон алоқа орқали реал вақт режимида бошқариш имконини берувчи замонавий дастурий маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш ҳамда тўлов инструментлари, маълумотларни қабул қилиш, назорат ва қайта ишлаш

тартибини халқаро тажрибага мослаштириш йўли билан тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш қоидаларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилади.

Кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишни кучайтириш борасидаги асосий эътибор қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади:

- кредит ташкилотларида ликвидлик билан боғлиқ таваккалчилликни бошқариш тизими ҳолатини баҳолаш ва бошқаришдаги ёндашувларни, кредит операциялари ва шартномаларни амалга ошириш чоғида кредит ташкилотлари томонидан қўлланиладиган таваккалчилик бошқарувини такомиллаштириш;

- умумлаштирилган асосда банкларнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш назоратининг сифатини яхшилаш, банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши юзасидан уларнинг маъсулиятини ошириш ҳамда назорат ишларини кучайтириш, шу билан бирга таваккалчилликни бошқаришда суғурта механизмларидан фойдаланишини кенг йўлга қўйиш;

- кредит ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, банкларда корпоратив бошқарув даражасини янада ошириш, уларни бошқариш усуллариини такомиллаштириш ва кредит ташкилотлари акцияларининг инвесторлар томонидан сотиб олиншини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;

- банкларни инспекция қилишда асосий эътибор кредит ташкилотлари фаолиятидаги банк тизими барқарорлиги, кредит ташкилотлари омонатчилари ҳамда кредиторларининг қонуний манфаатларига хавф солувчи вазиятлар ва молиявий ҳолатидаги беқарорлик белгиларини аниқлашга, жумладан, қуйидагиларга жиддий эътибор қаратилади:

- кредит ташкилотлари томонидан кредит хатарини, унинг кредит ташкилотлари капитали ва умумий молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолаш механизмларининг тўғри йўлга қўйилишини таъминлашга;

- кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида муддати ўтган қарздорлик ҳамда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун етарли захира шакллантиришнинг ҳаққоний акс эттирилганлигини аниқлашга;

- кредит ташкилотларида қўлланилаётган ликвидлик ҳолатини ва ликвидликни йўқотиш хатарини баҳолаш услублари ҳамда ликвидликни бошқариш воситаларини таҳлил қилишга;

- банклар томонидан мижозларнинг ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш ва кўчиришнинг ўз вақтида амалга оширилишини, айниқса, жалб этилган аҳоли омонатлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг шартномада белгиланган муддатларда қайтарилиши борасидаги қонунчилик талабларига банклар томонидан қатъий риоя этилишини таъминлашга;

- шубҳали операцияларни, жумладан, Марказий банк томонидан ўрнатилган капитал етарлилиги ва бошқа иқтисодий нормативлар кўрсаткичларини сохта бажариш мақсадида капитал миқдорини, ўтказиш лозим бўлмаган активлар ҳисобига оширишга қаратилган ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг схемаларини аниқлашга;

- жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлашга;

- банклардаги ички аудит тизимини, банк томонидан амалга оширилаётган фаолиятнинг банкнинг ички сиёсати, бизнес-режаси ва қонунчиликка мослиги ҳамда хатарлилик даражаси борасидаги ҳаққоний маълумотлар, таҳлиллар ва тавсиялар билан банк Кенгашини тезкор таъминлаш борасидаги уларнинг вазифаларини бажариши ва берилган тавсияларнинг тўлиқ бажарилганлигини талабчан баҳолашга қаратилади.

Нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш борасида:

- нобанк кредит ташкилотлари тармоғи инфратузилмасини ривожлантириш, республика ҳудудларида, айниқса, чекка минтақаларда нобанк кредит ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва бу орқали аҳолининг кенг қатламига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатилишини фаоллаштириш;

- нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга доир амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳисобига нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро тажрибага мослаштириш чоралари кўрилади;

- нобанк кредит ташкилотларида бошқарув тизимини такомиллаштириш, улар ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш чораларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади;

- микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциациясининг институционал салоҳиятини оширишга доир ишлар амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида барча соҳаларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермерлик ҳаракатини рағбатлантириш, қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини янада яхшилашда барча имкониятлар сафарбар қилиниши туфайли иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашга, инқироз оқибатларига қарши туришга муваффақ бўлишга тўлиқ асос бор.

Хулоса ва таклифлар

Биз ушбу магистрлик диссертациямизда банкларининг молия бозоридаги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

- республикамизда айнан тижорат банклари томонидан биринчилардан бўлиб муомалага қимматли қоғозлар чиқарила бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бўлиб, тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларига нисбатан бозор муносабатларига мослаша олганлиги ва уларда малакали кадрларни мавжудлиги ҳисобланади;

- Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш учун энг қулай шарт-шароитларга эга бўлди. Биринчидан, анъана бўйича, банкларда фонд бозори тўғрисида тассавурга эга бўлган юқори малакали кадрлар тўпланган. Иккинчидан, банклар тўғрисидаги қонунчиликни ўзи тижорат банкининг фаолиятини акциядорлик жамияти, яъни муомалага қимматли қоғозларни ва авваламбор акцияларни чиқариб турувчи эмитент сифатида тартибга солинди. Учинчидан, одатдаги корхона ва ташкилот билан солиштирганда, банклар катта миқдорда ўз маблағлари ва қарз ресурсларини тўплаганлар, улар фонд бозорида йирик сармоядор сифатида қатнашиш учун шарт-шароитлар яратади. Ниҳоят, республика қонунчилиги банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини бирон-бир тарзда (масалан, бир қанча давлатларда, хусусан АҚШда бўлганидек) чекламаган ва айни вақтда банклар ўз миқдорларининг молиявий –хўжалик фаолияти тўғрисида энг кенг маълумотларга эга бўлган ва маълумотларни олишга ҳуқуқи чекланган сармоядорлар олдида имтиёзлар берган.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари қуйидаги операцияларни амалга оширадилар:

- қимматли қоғозларнинг эмитенти сифатида;
- қимматли қоғозларнинг йирик инвесторлари сифатида;
- миллий қимматли қоғозлар бозорида воситачи сифатида.

Бўлардан кўриниб турибдики, молия бозорида тижорат банкларининг аҳамияти каттадир. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорига ҳам айнан тижорат банклари асос солдилар.

Жаҳон тажрибасида, шунингдек, АҚШда траст фаолиятининг қуйидаги турлари мавжуд:

Умумий траст – майда пул бадали эгалари билан махсус, ишончли тузилган шартнома асосида бошқариш. Банклар ўзок муддатли кредит институтларини акциядорлик асосида ташкил этишган. Улар аҳолининг омонатларини сотув шаклидагидек траст сертификатларини бериш орқали жалб қилганлар, яъни бу сертификат омонатчи пул маблағларини унинг олдида банкнинг ишончли бошқариш мажбуриятдир.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятида соф траст операциялари мавжуд эмас. Ҳозирги вақтда улар эмитентларнинг облигацияларини бирламчи жойлаштириш яъни, андеррайтинг билан шуғулланмоқдалар.

Маълумки, корпоратив қимматли қоғозлардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг облигациялари ҳисобланади. Корпоратив облигацияларнинг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан қуйидаги афзаллик томонлари мавжуд:

- сармоядорлар акциядорлар ҳуқуқларини бузиш ҳолати risksдан озод бўладилар, чунки корпоратив облигациялар мулкӣ ва бошқарув ҳуқуқини бермайди;

- корпоратив облигациялар оддий акцияларга нисбатан қатъий белгиланган даромадни кафолатлайди. Кўп ҳолатларда корпоратив облигациялар бўйича даромадлар ҳар чоракда тўлаб борилади. Ушбу омил корпоратив облигацияларга бўлган моддий манфаатдорликни кучайтиради;

- корпоратив облигациялар бўйича битимларни расмийлаштириш ва уни амалга ошириш бўйича трансакция харажатлари сезиларли тарзда қисқаради;

- корпоратив облигацияларнинг ликвидлиги унинг наشري бўйича андеррайтер томонидан таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8 декабр 1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғриси”даги Қонуни 22 июл 2008й.;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғриси”даги Қонуни 21 декабр 1995й.;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банклар фаолияти тўғриси”даги Қонуни 25 апрел 1996й.;
5. “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2008 йил 21 февраль, ПФ №3968
6. “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 28.11.2008 й, ПФ № 4058
7. “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2008 йил 18 ноябрь, ПФ №4053 сон.
8. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2007 йил 14 март, ПФ №-114.
9. “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелидаги Қарори, ПҚ–1090-сонли.
10. “Банкларнинг капитализациясини янада ошириш ва уларни иқтисодиётни модернизациялаш бўйича инвестиция жараёнларида қатнашиш

фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлидаги Қарори.

11. “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги Қарори, ПК-726-сон.

12. “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 2006 йил 27 сентябр, №ПП-475.

13. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятини амалга оширишга оид талаблар тўғрисида Низом 2 апрел 2008й.;

14. Республика Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарни молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони 18 ноябр 2008 йил;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.

16. «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2008 йил 28 июль №160.

17. Каримов И. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т. Ўзбекистон 2010 йил;

18. Каримов И. “Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т. Ўзбекистон 2009 йил;

19. Каримов И. “Банк тизими, пул муомиласи, кредит инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Т. Ўзбекистон 2005 йил;

20. Каримов И. “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш

йўлида” Т. Ўзбекистон 1995 йил;

21. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

22. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. - 89 б.

23. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.

24. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.

25. Бирман Г. “Экономический анализ инвестиционных проектов” (пер.с англ.) М.Банки и биржи 1997г.;

26. Жуков Е. “Общая теория денег и кредита” М.Юнити 1995г.;

27. Каримов Н. “Банковское кредитование инвестиционных проектов” Ж.Рынок, деньги и кредит №9 2002г. Стр22;

28. Бутиков И. “Қимматли қоғозлар бозори” Т.Консаудитинформ 2001йил;

29. Муллажонов Ф. “Ўзбекистон банк тизимининг ривожлантириш йўлланишлари ва истикболлари” Ж.Бозор, пул ва кредит №1 2007йил 3-11бетлар;

30. Шохаъзамий Ш. “Рынки: финансовые и ценных бумаг” Т.ТФИ 2003г.;

31. Шохаъзамий Ш. и др.“Теория безрисковости действий на рынках: финансовом и ценных бумаг” Т.ТФИ 2004г.;

32. Гоziбеков Д. “Проблемы инвестиций” Т.Молия 2003г.;

33. Кадиров А. “Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности” Сан.Петер.1993г.;

34. Жукова Е. “Деньги, кредит, банки, ценные бумаги” М.Юните 2001г.;

35. Абдуллаев Ш. “Банк рисклари ва кредитлаш” Т.Молия 2002йил;

36. “Банковское дело” Учебник под ред.О.И.Лаврушина, Москва:Финансы и статистика, 1998г.;
37. Алиев И. “Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари” Т.2007йил;
38. Толипов К. “Қимматли қоғозлар бозори: барқарор фаолият” Ж.Бозор, пул ва кредит №8 2008 йил 22 бет;
39. Шарп В. И др. “Инвестиции“ М.Инфра-М. 1997г.;
40. Бурханов А. “Активизация инвестиционной деятельности”, “Рынок, деньги и кредит” №5 2001г.;
41. Бочаров В.В., Леонтьев Н. “Корпоративные финансы” Санкт - Петербург, 2002г.;
42. “Банковское дело и финансирование инвестиций” Том-1 (под ред.Брукан) М.Перспектива 1995г.;
43. Гуревич М.И., О.В.Горшков “Предложения по развитию банковского сектора”, “Банковское дело” 2003г. №1, стр16-17;
44. Панова Г.С.”Кредитная политика коммерческого банка” Москва 1997г.;
45. Триф А.А. “Инвестиционная и кредитная деятельность коммерческих банков” Москва, “Экономика” - 1997г.;
46. Управление рисками коммерческого банка. Учебное пособие (Под редакцией Мери Элизабет) Ворд.Рабочие материалы института “Экономического развития Мирового банка”;
47. Вахобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. –Т.: Шарқ, 2003. – 400 б.
48. Шоҳаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА I. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-740 с.
49. Шоҳаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА II. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-850 с.
50. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.- 294 с.

51. Шохаъзамий Ш.Ш. Качество индустрии рынков: финансового и ценных бумаг.-Т.: ТФИ, 2004.-138 с.
52. Л.Дж.Гитман, М.Д.Джоник. Основы инвестирования.-М.: Дело, 1997.
53. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1028 с.
54. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ. /Гл. ред. Серии Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 801 с.
55. Фондовый рынок и мир: Учебник/Под ред. К. С. Царихин – М.: Издательский дом «Социальные отношения» 2008 г.
56. Вы и мир инвестиций: Учебное пособие – 3-е издание. , испр/Под ред. Софыи Нагорная.- М.: Вече, 2003 – 80ст.
57. Инвестиции: Учебник/Под ред. В. В. Бочаров – СПб.: Питер 2002 г.
58. Рынок ценных бумаг: Учебник/Под ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 2000.
59. Баринов Э.А., Хмыз О.В. Рынки: валютные и ценных бумаг. – М.: Экзамен, 2001. – 608 с.
60. Ценные бумаги: Учебник/Под ред. В.И. Колесникова, В.С. Торкановского. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 448 с.
61. Қиячқов А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб.пособие. 2-е изд., с изм. – М.: Экономистъ, 2005. – 687 с.
62. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Мамлақатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи / Илмий-оммабоп рисола.- Т.: ТДИУ, 2008, 57 б.
63. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Глобаллашув жараёни ва молиявий инқироз сабаблари. // Адолат, 2009 йил 27 февраль.
64. Программа мер по нейтрализации последствий мирового кризиса – в действии. // Бизнес-вестник Востока. № 12, от 19 февраля 2009г.
65. Программа мер по нейтрализации последствий мирового кризиса – в

действии. // Бизнес-вестник Востока. № 12, от 19 февраля 2009г.

66. Финансовый кризис приведет к перестановке сил мирового сообщества. // Бизнес-вестник Востока, №18, от 12 марта 2009г.

67. Самые низкие темпы инфляции среди стран СНГ зафиксированы в Узбекистане. // Бизнес-вестник Востока, №9, от 10 февраля 2009г.

68. Бланд М. Финансовый кризис. – М.: АСТ-Астрил-Харвист. 2008 – 288

69. На пути обеспечения финансовой стабильности. //Бизнес-вестник Востока. № 100, от 16 декабря 2008г.

70. Шохаъзамий Ш.Ш. Рынок ценных бумаг Узбекистана: состояние и факторы развития. Журнал «Рынок, деньги и кредит» #3 март 2007 г 35-ст

Интернет сайтлари:

<http://cbust.uz>- Узбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти

<http://uba.uz>- Узбекистон банклари ассоциацияси расмий сайти

<http://www.review.uz>.

<http://www.uzland.uz>.

<http://www.rating.uz>.

<http://www.uzse.uz>.

<http://www.avestagroup.uz>.

<http://www.deltamax.biz>

<http://www.rts.ru>.

<http://www.kommersant.ru>